Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 15 июль, шанба • № 56 (10.732) • Эркин нархда сотилади

ҲАР БИР КИШИ БИЛИШИ КЕРАК

Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби бўйича илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда маданий-маърифий муассасаларнинг, кутубхоналар, театрлар ва клубларнинг, турли жамоат ташкилотларининг ходимлари иштирок этишди.

Конференцияни республика Маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев очди. У Ислом Каримовнинг янги китобининг аҳамиятини, унда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий тараққиёти, республика танлаб олган йўлнинг тўғрилигидан далолат берувчи ижобий якунлар, шунингдек ҳал қилинмаган муаммолар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилганини алоҳида таъкидлади. Вазир китобнинг иккинчи қисмига батафсил тўхталиб, Ислом Каримов унда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифаларини белгилаб берганини уқтирди. Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси фаол иштирок этиши керак.

Кутубхона ходимлари зиммасига ҳам муҳим вазифа юкланган. Улар Президент Ислом Каримовнинг янги китобидаги ғояларни ҳар бир китобхон онгига етказиши зарур.

Конференцияда санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг директори Т. Ғафурбеков, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси директори Р. Алимов, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи С. Олимхўжаев сўзга чиқишди.

Конференция иштирокчилари Президентнинг янги китобини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш юзасидан тавсиянома қабул қилдилар.

Анжуман тугаганидан сўнг конференция иштирокчилари давлат кутубхонасидаги янги экспозиция билан танишдилар. Ундан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳамма китоблари ўрин олган.

(ЎзА).

ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

4-8 июль кунлари Оттава шаҳрида ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг тўртинчи, ҳар йилги сессияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳ. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси иштирок этди.

Сессия ишида 50 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари қатнашдилар. Очилиш маросимида парламентлар вакиллари олдида Канада Бош вазири Жан Кретьен, Канада Жамоалар палатаси ва Сенат спикерлари, Парламент Ассамблеяси Раиси Франк Свален (Бельгия) сўзга чиқдилар.

Сессия иши асосан Ассамблеянинг учта қўмитасида ўтди. Уларда хавфсизликнинг кенг қамровли тизимини вужудга келтириш, Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида иқтисодий шаклланишдаги тараққиёт, фуқаровий жамиятда кам сонли миллатлар интеграцияси масалалари муҳокама этилди.

Ялпи мунозараларда: Сиёсий масалалар ва хавфсизлик қўмитасида Ўзбекистон делегацияси раҳбари Э. Халилов, Иқтисодий масалалар, фан, технология ва атроф-муҳит қўмитасида депутат Э. Воҳидов, Демократия, инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик масалалари қўмитасида депутат О. Олимжонов сўзга чиқдилар.

Собиқ Югославиядаги, Тоғли Қорабоғ, Чечеристондаги вазият билан бўлғлиқ масалалар, курдлар муаммоси, шунингдек Франциянинг ядро синовларини тиклаш қарори юзасидан мунозаралар қизғин тусда ўтди.

Ассамблеянинг якунловчи ялпи мажлисида Оттава декларацияси қабул қилинди.

Ассамблеянинг ана шу мажлисида Ассамблея Раиси ўринбосарлигига бешта бўш ўринга сайловлар бўлиб ўтди. Яширин овоз бериш натижасида беш бўш лавозимдан бирига саккиз номзод орасидан Олий Мажлис Раиси Э. Халилов сайланди.

Ўзбекистон парламент делегацияси Оттава шаҳрида бўлган вақтида Канада, Англия, Франция, Германия, Туркия, Греция, Швеция, Россия, Украина ва бошқа бир қанча давлатларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон тажрибасига, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишга, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлига юксак баҳо бердилар. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон парламенти билан икки томонлама алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканликларини изҳор этишди.

Республика делегациясининг мазкур Парламент Ассамблеяси ишидаги қатнашиши Олий Мажлиснинг Европада хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнаётган ЕХҲТ Бош Ассамблеясидек нуфузли халқаро парламент ташкилотларидан бирига қўшилиши йўлидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«ҚЎЙЛИҚ»НИНГ САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

Зангиота туманидаги «Қўйлиқ» агрофирмаси деҳқонлари ярим йилдаёқ эл дастурхонига 1230 тонна маҳсулот етказиб бериб, йиллик режаларини бажардилар.

ҚИЗИҚ манзара... Бугун далаларда ғарқ пишиқчилик. Бу ерда эса навбатдаги мавсумга тайёргарлик кўрилмоқда. Аслида агрофирма деҳқонларининг зиммасидаги вазифа анча мураккаб ва масъулиятли. Сабаби, улар қиш ва илик узилди ойларида халқимизни «дармондори»—помидор, бодринг ва резаворлар билан таъминлаб туришади. Пойтахтимизда ва яқин атрофда бу иссиқхонанинг маҳсулотларига оғзи тегмаган одам кам топилса керак.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришга муносабатнинг ўзгариши, ерни ҳақиқий эгасига бериш, лўнда қилиб айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг яхши самараларини берди. Олинаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам, салмоғи ҳам ошди. Қарангки, ярим йилда йиллик режа бажарилди.

Пойтахтдаги саноат корхоналари билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал этишда кўл келди. Масалан, агрофирма Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан доимий алоқада ишлайди. Деҳқонлар ишчиларга сархил маҳсулотлар етказиб беришади. Бирлашма эса иссиқхонани таъмирлаш ва бошқа зарур масалаларни ҳал этишда кўмаклашади.

Таъмирланган иссиқхоналардаги ўғитга тўйинтирилаётган майдонларга ҳадемай яна уруғ тушади. «Қўйлиқ»ликлар кеч кузакдан бошлаб йил охиригача шаҳарликларга яна 600 тонна турфа хил маҳсулотлар етказиб берадилар.

Зангиота туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги 12-бригадасининг оилавий пудрат етакчиси Саидакмал Султонов болғар қалампиридан мўл ҳосил етиштирди. Суратда: С. Султонов ўз даласида.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ЯНГИҲАЁТ» СУПЕРМАРКЕТИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Янгиҳаёт қўрғони маркази яқинида жойлашган «Янгиҳаёт» супермаркетини аҳоли аввалари «Қизил магазин» деб аташарди. Бугунги кунда икки қаватли бу муҳташам бино доимий равишда харидорлар билан гавжум бўлмоқда.

— Президентимизнинг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва у билан савдо қилишни кенг йўлга қўйиш ҳақидаги ғамхўрлиги айни муддао бўлди, — дейди «Янгиҳаёт» хўжалик ҳисобидаги савдо ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ўткир Аноркулов. — Супермаркетни очиш ҳақидаги таклиф ва ташаббус туман ҳокимлигидан чиқди. Тўйтепа металл қурилмалари заводи, мебель фабрикаси, вилоят савдо уюшмасининг тузатиш-таъмирлаш комбинати, туман йўл қурилиши бошқармаси, Ўртачирчиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва бизнинг жамоамиз ҳамкорликда жуда қисқа муддатда — 15 кунда таъмирлаш ишларини бажардик. Дастлаб озиқ-овқат бўлимининг ўзидаёқ ойига 100-120 минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса ҳозир бу миқдор 150-180 минг сўмга етказилмоқда. Саноат моллари хариди ҳам тўрт ҳиссага кўпайди. Маҳсулотлар асосан вилоят ва мамлакатимизнинг турли ишлаб чиқариш корхоналаридан келтирилмоқда.

У. ҲАМИДОВ.

«БЕКОБОД САВДО УЙИ» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

БЕКОБОД. Шаҳардаги номаъдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводи мамлакатимиздаги бир қатор вилоятларни қурилиш учун жуда зарур бўлган маҳсулот билан таъминлаб келади. Мўғул тоғ тизмаларидан олинаётган тошлар номаъданчилар учун хомашё — табиий бойлик ҳисобланади.

Корхона раҳбари Ҳайдарали Эгамназаров ва Бекобод шаҳар ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан Бухорода ва Хоразмда корхонанинг «Бекободсавдо уйи» очилди. У ерда номаъдан заводи маҳсулотлари кўргазмага қўйилган. Эндиликда узоқ бу вилоятлардан Бекободга келиб буюртма беришга ҳожат қолмади. Зарур маҳсулотни олиш, хужжатларни расмийлаштириш ўша ерларнинг ўзида амалга оширилади.

Бундай таянч нуқталари Тошкент ва Қўқон шаҳарларида ҳам очиш режалаштирилмоқда.

Бекободдаги номаъдан заводи йилига республикамиздаги қурилиш ташкилотларига 500 минг куб метр майдаланган тош, 100 минг куб метр қум ҳамда тоғ тошлари етказиб бермоқда.

Т. УСМОНОВ.

ШИФО МАСКАНИ ИШГА ТУШДИ

ҚИБРАЙ. Чингелди қишлоғида янги даволаш маркази қурилиб битказилди. Бир кунда 100 кишини қабул қилишга қодир мазкур амбулатория замонавий тиббий ускуна ва анжомлар, зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Янги даво маскани ўзининг кундузги шифохонасига — физиотерапия муолажагоҳига эга. Шунингдек, бу ерда соғлом ва бемор болаларни кўриқдан ўтказиш учун алоҳида хонаҳонаҳ мавжуд. Янги шифо маскани 17 нафар тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Шунингдек, амбулаторияга «Соғлом авлод учун» вилоят жамғармаси томонидан ноёб ва танқис дори-дармонлар туҳфа этилади.

А. ФОЗИЛОВ.

Пахтачилик ва ислоҳот

ЭРТАГИ, МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШНИНГ ИМКОНИ БОРМИ?

Бор, дейишди куни кеча вилоятимиз пахта далаларида бўлиб, ғўзанинг ривожи билан танишган вилоят сайёр назорат гуруҳи аъзолари. Бу — аввало, навни тўғри танлаб, уруғни ўз вақтида экиб, агротехника тадбирларини оби-тобида ўтказаётган пахтакорларимизнинг ёзнинг қолган ғанимат кунларидан ҳам самарали фойдаланиб, далалардаги бор ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга ҳосил қўшиш борасидаги ҳозирги барча саъй-ҳаракатларига боғлиқдир.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҳукумати ва юртбошимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, жумладан, иқтисодиётимизнинг таянч манбаи пахтачиликни устивор сурьатлар билан ривожлантириш, деҳқонларнинг ер ва ишлаб чиқариш воситаларига тўла ҳуқуқий эгалиги мақомини қарор топтириш, уларнинг ўз меҳнати самараларидан кўпроқ баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун зарур ҳамма иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Ҳозирда «Қишлоқ хўжалиги ривожланмас экан — жамият ривожланмайди» деган йўналиш устивор. Бу — республикамиз ўзига хос ва мос миллий аграр ривожланиш йўлидан дадил олға бораётганидан далолатдир.

Эртаги, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш — пахтачилигимиздаги асосий тамойилдир. Хўш, Президентимиз нутқлари мазмунидан келиб чиқувчи «Пахтани октябрдаёқ йиғиб-териб олишнинг имкони борми?» — деган саволга жавоб тариқасида вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Пахта даласидаги бугунги аҳвол қандай?

Куни кеча вилоятимиз пахта далаларида бўлиб, ғўзанинг бугунги ривожи билан танишган вилоят сайёр назорат гуруҳи аъзоларининг хулосалари бу саволга маълум даражада аниқ жавоб бўлади.

... ВИЛОЯТ ҳокимининг биринчи муовини Т.Мирёқубов бошчилигида вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, пахтакор туманларнинг ҳокимлари ва ҳокимларнинг биринчи муовинларидан иборат сайёр назорат гуруҳи ўз ишини Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота» жамоа хўжалигидан бошлади. Хўжаликнинг М.С.Цой бригадасида бўлиб, ғўзанинг ривожи билан танишган гуруҳ аъзоларининг кўнгли ранжиди. Илгари ҳам текширув комиссияси томонидан қаттиқ огоҳлантирилганига қарамай ҳануз бу ерда мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан бирон чора-тадбир кўрилмаган. Ҳосилнинг чўғи паст. Ҳозирги кунда ҳар туп ғўзада 17-18 та ҳосил тугунчаси шаклланган бўлиши керак эди. Бу ерда эса бунинг ярми ҳам йўқ. Кўчатлар бир текис эмас, бегона ўт кўп. Сабаби, культивация сифатсиз ўтказилган. Қатор ораларига тор қамровда, юза ишлов берилган. Ер қотиб кетган.

Бу танбеҳлардан бригадир ва хўжалик раҳбарлари ер чизиб қолишди. Лекин, ҳали ҳам кеч эмас. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб, аҳволни зудлик билан ўнглаб олиш лозим. Далага кўпроқ ғўнг чиқариб солиш, шарбат оқизиш керак. Мана шу ерлардан бир вақтлар 40 центнердан пахта олинган-ку, ахир.

«Политотдел» жамоа хўжалигининг 1-бригадаси даласи кўздан кечирилганда гуруҳ аъзоларининг эгатлардаги кўчатларнинг жойлашувидан кўнгиллари тўлмади. Кўчатлар зичлиги ҳар хил. Баъзиларининг ораси кенг, баъзилари ғуж жойлашган. Зич жойлашган ғўзадан наф кам. Чунки, бундай кўчатларнинг тупроқдан озиқланиш доираси торяяди. Улар нимжон бўлиб ўсиб, 5-6 та кўсакни ҳам кўтара олмайди. Экин майдони чеккаларида ғўза ниҳоятда сийрак. Тўла гектарлар ҳосил қилиш қоидаси бузилган.

Культивациянинг сифати ҳақида, айниқса, жиддий гаплар айтилди. Ишлов маромида ўтказилмаган. Ваҳоланки, қатор ораларини 20 см. чуқур олиб, юмшатилиши лозим. Акс ҳолда зарур озуқа моддалари тупроққа обдон сингиб, ғўза илдизларига етиб бормайди. Ўғитнинг бир қисми ҳавога кўтарилиб кетса, бир қисми сув билан ташқарига оқиб чиқиб кетади. Бу агротехникага зиддир.

Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг Т.Мирзабоев бошлиқ 10-бригадаси бу йил 86 гектар майдонда пахта етиштираяпти. Яна ўн гектарча ерга такрорий экин сифатида ғалла ўрнига пахта эккан. Такрорий экилган чигит бир текис униб чиққан, 2 та чинбарг чиқарган. Бу ерда мулоқот асосан сувдан кейин дорҳол яганани ўтказиш ва культивацияга киришиш, такрорий экилган пахтанинг ўз агротехникаси бўлиши кераклиги ҳақида борди.

— Такрорий пахтанинг шоналаши учун 1200 даража қуёш ҳарорати зарур. — дейишди гуруҳ аъзолари. — Ҳозир у кунда 20 даража иссиқлик оляпти, 3 см. га ўсяпти. Агар у 15 августгача 1000 даража ҳароратга тўйинса, 2-3 тагача кўсак ҳосил қилади. Демак, деҳқон парваришга зўр берса, мақсадига эришади.

Ўртачирчиқ туманидаги «Ўртасарой», «Гулистон» ва «Янги турмуш» жамоа хўжаликларида ғўза ривожи яхши таассурот қолдирди. Айниқса, «Гулистон» жамоа хўжалигининг Йўлчи Соттибоев ва «Янги турмуш» жамоа хўжалигининг Содиқ Йўлдошев бошлиқ бригадаларида ғўзанинг ҳосил олиши яхши. Улар бу йил гектар бошига 35-40 центнёр пахта ҳосили олишни мўлжаллаб туришибди.

Шундай бўлса-да, ўз вақтида берилган тўғри, ўринли маслаҳат фойдадан ҳоли бўлмайди. Юқоридаги бригадаларда ғўзани чеканка қилишнинг айни вақти. Ғўза тупларида 14 тагача ҳосил шохи ва 3-4 тагача кўсак бор. Агротехникага кўра ғўза тупида 3 та кўсак ҳосил бўлганда чеканка ва 3 та кўсак очилганда дефолиация ўтказиш керак.

Аммо шу тумандаги «Истиқбол» жамоа хўжалигининг 4-бригадасидаги аҳвол кишини ачинтирди. Биринчи ўримдан кейин беда ўрнига 5 майда экилган пахта даласида ғўза ниҳоятда сийрак ва ҳосил олиши суст. Чигит ернинг ўз намига униб чиқмагани ва технология бузилганлиги учун ҳам ана шундай кўнгилсиз аҳвол юз берган. Энди уни ўнглаш анча машаққатли бўлади.

Вилоятимизда иқлим-тупроқ шароитига қараб нав танлаш ва эртапишар пахта етиштириш муаммоси ўз ечимини топа бошлади. Ўзбошимчалик ва юзакичиликка маълум даражада чек қўйилди. Энди айбни навга қўйиш даврлари ўтиб кетди. Пискент туманидаги «Пискент» жамоа хўжалигида бўлган вақтимизда ҳам гап ана шу ҳақда борди. Жамоа хўжалигида бу йил катта майдонларга «С-6537» нав пахта чигити экилди. Ғўзанинг ривожи ёмон эмас. Аммо агротехникада анчайин қоқилишларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, хўжаликнинг биринчи бўлимига қарашли 4-бригадасида вақтида сифатли ишлов беришга эътибор қилинмаяпти. Илгари ҳам огоҳлантирилганлигини далани қалин тўй босганидан ҳам кўриб билса бўлади.

Бригада даласида ҳозир амалга оширилиши зарур бўлган муҳим агротехник тадбирлардан яна бири ғўза қаторларини тараш яъни кўчатларни саралаб чиқишдан иборатдир. Лекин, бу иш ҳам пайсалга солинмоқда. Хўш, айтинг-чи, энди айб кимда деб ўйлайсиз? Айб навдами ёки бўлмаса, боқибеғам бригадирда-ми?

Шу тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Зайнаб Маҳмудова бошлиқ 3-бригадасининг ғўзаси ғовлаб кетган. Ҳосил чўғи кам. Агар ҳозироқ шошилинч чиллашга киришилмаса, 50 гектардаги бу майдондан 36 центнердан хирмон кўтариш амри маҳол. Устига устак ҳосилнинг пишиши ҳам кечикиб кетади. Навоий номли жамоа хўжалигининг Тоштемир Акбаров бошлиқ 3-бригадаси ғўзасининг ҳосил олиши эса дуруст. Ғўзанинг ривожи аввалги йилдагига қараганда 5-10 кун олдин. Парвариш шундай давом этса, бригада пахтаси 10-15 августга бориб қийғос очилади.

Бўка туманидаги Ғ.Азаматов номли жамоа хўжалигининг Саидназар Раҳмонов ва «Ачамайли» жамоа хўжалигининг Фарҳод Душабоев бошлиқ бригадалари даласини айланганимизда агротехника талабларига қатъий риоя қилинаётганининг шоҳиди бўлдик. Уч марта культивация қилинган, 2 марта сувга қонган ғўза тупларида ҳозирнинг ўзидаёқ ўртача 4-5 та (олди ғўза тупларида 9 та) гача бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу бригадаларда ғўзани чилпиш ишлари бошлаб юборилган.

Бекобод туманининг Ойбек, Мавлонов номли ва «Авангард» жамоа хўжаликларида бўлган назорат гуруҳи аъзолари пахтанинг эртаги бўлиб ривожланаётганини таъкидлаш билан бирга ғўза агротехникасида юқоридагидек катор камчиликлар мавжудлигини ҳам уқтириб ўтдилар. Туман раҳбарлари ўз ўрнида сув йўқлиги ҳақида шикоят қилдилар. «Авангард» жамоа хўжалиги худудидан ўтган канал чиндан ҳам қуриб ётибди. 350 гектар майдондаги экин-тикин қовжираб қолган. Бизнингча, вилоят сув хўжалиги бошқармаси бу муаммони тез орада ҳал қилиши лозим.

Оққўрғон туманидаги Сегизбоев номли халқ корпорацияси, Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли, «Ўжакент», Чиноз туманидаги «Гулзоробод», Т. Охунова номли, Янгийўл туманидаги ЎзМЭИ тажриба хўжалиги ва бошқа жойлардаги амалий учрашувмулоқотлар ҳам ишчанлик ва талабчанлик вазиятида ўтди. Мавжуд камчиликлар, нуқсонлар рўйрост очиб ташланди, туманлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Назорат гуруҳи аъзолари Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигида бўлишганда ҳосилдан бўшаган ғалла майдонлари ўрнига пешма-пеш карам экилаётгани ва 40 гектар ерга эса, гуллаб турган помидор кўчатлари ўтказилганини кўриб, айниқса, қувонишди. Ахир ҳақиқий тадбиркор ҳозирги кунда ана шундай иш юритиши керак-да.

Биз юқорида гапимизнинг ниҳоясини камчиликлардан бошлаганимиз бежиз эмас. Бу — вилоятимизда пахтасорларнинг аҳволи қониқарсиз экан-да, деган маънони билдирмайди. Асло. Яхши, ибратли мисолларни истаганча, ҳоҳлаган туман ва хўжаликдан келтириш мумкин, Аммо биз эртаги, мўл ва сифатли пахта етиштириш мавзусига бошқа йўналишда — илгари комиссиялар томонидан қаттиқ танқид остига олинган жамоаларда бугун бирон ижобий ўзгариш борми-йўқми, деган ҳолис ниятда, ҳозирги ғанимат вақтдан унумли фойдаланиб, мавжуд нуқсонларни тезроқ бартараф этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошдик. Сайёр назорат гуруҳи фаолиятидан кўзда тутилган асл мақсад ҳам шу эди. Бу — вилоятимиз пахтакорлари олдида турган бу йилги катта синов бўсағасидаги ўзига хос кўрикдир.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНАСИ: У ҚАЧОН ДОВРУҒ ЁЯДИ?

Асосан четдан келтириладиган хомашё ҳисобига ишлайдиган Ғазалкент ойна заводи жамоаси ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, йилнинг биринчи ярмини яхши якунлади: истеъмолчиларга салкам юз миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ишлаб чиқариш суръати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 264 фоиз ўсди.

Йилига икки миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ўтган ярим йил давомида мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ҳисобига салкам бир миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқарилди.

Ҳозир Ғазалкент ойнаси республика эҳтиёжининг тўртдан биринни қоплаяпти. Демак, уларнинг бозори чаққон бўлиши лозим. Чунки мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда улкан қурилишлар бормоқда. Тураржойлар, маданий-маиший ва ўқув биноларини таъмирлаш мавсуми ҳам бошланган. Шундай бўлса-да, камёб ҳисобланган тайёр маҳсулот корхона омборида харидор кутаётганига нима дейсиз?

— Умуман, маҳсулотимиз узоқ туриб қолаётгани йўқ, — дейди бош директор Шокиржон Ҳамитов аҳволни тушунтириб. — Тўғри, ҳозир ойна бор. Бироқ, кўпчилик ёнгинасида шундай маҳсулот ишлаб чиқарилишини билмайди. Аксарият мижозларимиз эса «ҳали вақт бор», деб ҳотиржам юрибди.

Сухбатдошимизнинг қуйинганича бор. Биз қишли-қировли кунларда — синиқ дераза тирқишларидан совуқ кириб, этимиз жунжиккандагина ойна излашга тушамиз.

Ойнасозлар шу йилнинг апрель ойидан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлай бошлади. Барча имкониятлар ишга солиниб, чиқитсиз технология ўзлаштирилмоқда. Бунинг натижасида 15 турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бироқ бу маҳсулотларнинг битта «айби» бор: завод жиҳозлари маънавий эскиргани сабабли уларнинг таннархи бироз юқори. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил декабрь ойидаги махсус қарорига биноан корхонада бошланган реконструкция ишлари эса ярмига етганида таққа тўхтаб қолди. 11 миллион сўмлик қисқа муддатли имтиёзли кредит асосий қурилиш-монтаж ишларига етди, холос. Технологик жараёнларни бошлаш учун 120 миллион сўм маблағ керак. Бу борада чет эл инвестициясисиз салмоқли натижага эришиш қийин. Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, хориж билан ҳамкорлик қилмаган корхонанинг келажаги бўлмайди. Демак, ҳамма иш ойнасозларнинг ташаббускорлигида қолган. Шундагина Ғазалкент ойнаси кенг доврўғ ёяди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

«Ҳамшира-95»

САНОБАРХОН ЯНА ҒОЛИБ

Андижонда «Ҳамшира-95» иккинчи республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Халқнинг ўйла ҳамиша, соғлом авлод деб яша!» шиори остида ўтказган бу кўрик-танлов ғоят қизиқарли ўтди. Унда ҳамширалар ўз мутахассислиги бўйича саволларга жавоб бериш, беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, эукколик ва ҳозиржавоблик борасидаги саволларга жавоб топиш, билимдонлик ва ижрочилик маҳоратини намойиш этиш борасида куч синашди.

Тошкент вилояти вакили Санобархон Абдурасулова республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўрин самарқандлик ҳамшира Гулнозахон Абдуллаева билан наманганлик Нодирахон Мамажонова насиб этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ўзсаноатқурилишбанк, Ўзагросаноатбанк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва республиканинг бошқа тижорат банкларининг шу йил 28 июль куни Тошкентда Ўзбекистон тижорат банклари уюшмасининг таъсис қурултойини ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қурултойга тайёргарлик бўйича ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилишида банк тизимини жадал ривожлантиришнинг комплекс дастури ва уюшма низоми лойиҳаси кўриб чиқилиб, маъқулланди ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга қарор қилинди.

Қуйида мазкур ҳужжатлар лойиҳасининг матни эълон қилинаётир.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ

Мақсадлар:

1. Давлатнинг иқтисодиётни, унинг ички тузилмасини қайта қуришни, халқ хўжалигининг устувор соҳаларини ривожлантириш динамикасини бошқаришда банк тизимининг механизм сифатидаги аҳамиятини ошириш.

2. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш даврида пул тизимининг юксак молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш.

3. Хусусий мулк фаолиятини кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнларига, мустақил хусусий секторнинг оёққа туришига кўмаклашиш.

4. Янги бозорлар: қимматли қоғозлар, асосий фондлар, мулкни ривожлантириш; янги маҳсулотлар: лизинг, суғурта хизматлари, илмий-техник маҳсулот ва ахборотни жорий этиш.

5. Иқтисодиётнинг очиқлигини кучайтириш, уни халқаро молия ҳамжамиятига интеграция қилиш.

Амалга ошириш воситалари:

I. Банк мутахассислари тайёрлаш тизимини такомиллаштириш:

1. Махсус олий ўқув юрти ва халқаро стандартлар даражасида банк мутахассисларини тайёрлаш бўйича илмий-услубий марказ сифатида банк-молия академиясини ташкил этиш ва унда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш:

— монетар сиёсат ва пул муомаласи,

— молия менежменти, пассив ва активларни бошқариш,

— инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш ва молиявий ҳиқтадан таъминлаш,

— халқаро молия бозорларида операциялар ўтказиш,

— банк аудити.

Бюджет ва Ўзбекистон банклар уюшмаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш шарти билан банк-молия академиясини ташкил этиш. (1995 йил сентябрь).

2. Банк-молия академияси тизимида илмий ходимларни моддий рағбатлантирган ҳолда банк иши соҳасида фундаментал ва амалий илмий ишлар дастурини шакллантириш. (1996 йил март).

3. Банк ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича минтақавий банк ўқув маркази ишини такомиллаштириш. Марказга банк ишининг қуйидаги йўналишлари бўйича чуқур таҳлил ишлари ўтказишни тавсия қилиш:

— молиявий таваккалчиликни бошқариш,

— лойиҳани молиявий жиҳатдан таъминлаш,

— халқаро ҳисоб-китоблар,

— қисқа ва узоқ муддатли кредит бериш. (1995 йил сентябрь—октябрь).

4. Банкда бухгалтерия ҳисоби мутахассисларини тайёрлаш бўйича тўртта ихтисослашган банк коллежи очиш. (1996 йил сентябрь).

5. АҚШ, Германия, Япония, Швейцария, Буюк Британиянинг етакчи банклари билан асосий ва бизнес-режасини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича «Ўзинвестпроект» республика лойиҳа-инжиниринг компаниясини ташкил этиш. (1995 йил IV чораги).

2. Тижорат кредитларининг қайтишини ишончли тарзда кафолатлайдиган суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этиш ва бу ишга хорижий суғурта компанияларини ҳам жалб қилиш. (1995 йил август).

3. Ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, хусусан ўрта ва хусусий ишбилармонликни қўллаб-қувватлашни узоқ муддатли молиявий таъминлашнинг альтернатив шаклларини ривожлантиришга шарт-шароит яратиш учун лизинг компанияларини ташкил этиш. (1995 йил IV чораги).

4. Миллий иқтисодиёт соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида етакчи хорижий тижорат банклари иштирокида қўшма инвестицион банклар ташкил этиш. (1996—1997 йиллар).

5. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, банк назорати тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, банк муаммоларини дастлабки босқичда аниқлаш, молия менежменти борасида маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича мустақил аудитор компаниялари ташкил этиш. (1995 йил IV чораги).

6. Қийматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва коллектив инвестиция қилишнинг каттагина қисмини қамраб олиш учун инвестиция фондларини шакллантириш бўйича траст компаниялари ташкил этиш. (1996 йил).

7. Ваколатли банклар тизимини шакллантириб, уларга республика клиринг банклари мақомини бериш. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки улар билан ҳисоб-клиринг маркази вазифаларини бажариш хусусида шартнома тузади, ўзаро корреспондент счетларининг очилишини рағбатлантиради. (1996 йил I чораги).

8. Марказий банк ва Ўзбекистон банклар уюшмаси резервларини жалб қилиш ҳисобига омонатчилар ва банкларни банкротликдан ҳимоя қиладиган жамғарма ташкил этиш. (1996 йил I чораги).

9. Банкларнинг молиявий ҳолатини аниқлайдиган ва мунтазам равишда уларнинг рейтингини эълон қиладиган ягона тизимни ишлаб чиқиш бўйича мустақил агентлик ташкил этиш. (1995 йил сентябрь).

III. Тижорат банкларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш

1. Республика қурилиш трестларидан бирини махсус банк муассасаларини қуришга ихтисослашган ҳамда вилоятларда бўлинмалари бўлган республика трестига («Ўзбанккурилиш») айлантириш. (1994 йил IV чораги).

2. Банкларни махсус ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш учун:

— «Ўзбекмебель» акционерлик жамияти билан — банк қароргоҳлари учун мебел ва қароргоҳ устини ёпадиган материал ишлаб чиқиш бўйича,

— Ўзбум, «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Гознак билан — банклар учун махсус қоғоз ва босма маҳсулотлари ишлаб чиқиш бўйича. (1995 йил IV чораги).

3. Банклараро телекоммуникациялар тизимини такомиллаштириш. (Алоқа вазирлиги бўйича). (1996 йил I чораги).

Қўшма дастурлар қабул қилиш:

IV Компьютерлаштириш

1. Ривожланган мамлакатларда қабул қилинган комплекс автоматлаштириш ва банклар ичидаги операцияларни ўтказишнинг замонавий программа таъминотини қуйидаги муддатларда жорий этиш:

— миллий банк — 1995 йилнинг IV чорагида,

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзагросаноатбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Жамғармабанк — 1996—1997 йилларда,

— бошқа тижорат банклари — 1997—1998 йилларда.

2. Замонавий сателлит ва оптик тола алоқаси тизими асосида ягона банклараро автоматлашган ҳисоб-китоблар тизимини яратиш. (1996—1997 йиллар).

3. Банк операцияларини компьютер ёрдамида қайта ишлайдиган малакали мутахассислар тайёрлаш учун банк компьютер коллежи ташкил этиш. (1995 йил IV чораги).

V. Тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий ва меъёрий базасини такомиллаштириш

1. Кредитмуассасаларининг айрим тоифалари: молия компаниялари, холдинг банк тузилмалари фаолиятини бошқарадиган, кредит аппаратининг иши ва қобилиятини, шунингдек кредиторларни зарардан ҳимоя қилишни таъминлашни кўзда тутадиган «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш.

2. Тўла таъминланмаган бозорда банк операцияларининг сердаромадлигини ҳисобга олиб, ҳудудда хорижий банкларнинг фаолияти учун алоҳида шарт-шароит яратишни, имтиёзли банк ишбилармонлиги зоналари, банкларнинг жойларда, хусусан ривожланаётган жойларда филиаллар очишини рағбатлантирадиган имтиёз тизимлари, банкларнинг бирлашиши тартибини кўзда тутадиган қонунчилик ҳужжатлар қабул қилиш.

3. Халқаро молия бозорларида қарз операциялари ўтказадиган алоҳида тузилмалар ўртасидаги ваколатларни чеклайдиган «Ташқи қарзлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш.

4. «Гаров тўғрисида»ги Қонунга қарздорлар молиявий мажбуриятларини бажармаган тақдирда уларнинг гаровга қўйган мулкигаредит муассасаларининг сўзсиз эга бўлишини кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиш.

VI. Ўзбекистон Банклар уюшмаси ўз-ўзини бошқариш тизимини мувофиқлаштириш

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувида банк тизимида ислоҳотларни амалга ошириш масалалари бўйича тижорат банклари манфаатини ҳимоя қиладиган доимий ишлайдиган орган сифатида уюшма кенгашини сайлаш.

Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— банк иши соҳасида ва Ўзбекистон банк тизимини ислоҳот қилиш стратегияси ҳамда пул-кредит сиёсатини амалга оширишда ҳуқуқий ва меъёрий асосларни ишлаб чиқишда қўшма ҳаракатларни мувофиқлаштириш,

— банк иши ва пул муомаласининг тадқиқотчи ва амалиёчи мутахассислардан вақтинча эксперт гуруҳлари тузиш, бу ишга халқаро молия ташкилотларининг банк ислоҳотининг айрим йўналишлари бўйича маслаҳатчиларини жалб қилиш йўли билан банк тизимини ривожлантиришнинг жорий муаммоларини мунтазам равишда кўриб чиқиш.

VII. Дастурни амалга оширишнинг молиявий манбаалари

1. Ўзбекистон Банклар уюшмаси иштирокчиларининг бадаллари ҳисобидан «Марказлашган банклар жамғармаси» ташкил этиш.

2. Банк тизимини ташкилий ривожлантириш учун жаҳон банки, Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (чет эл иқтисодий ҳамкорлик фонди — Япония), Осиё тараққиёт банки, Тараққиёт кредит институти (Германия) банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитларини жалб этиш.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАР УЮШМАСИНИНГ НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмаси (бундан буён матнда «уюшма» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси банкларининг ихтиёрий бирлашмасидир.

1.2. Уюшма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонуний ҳужжатларига амал қилади.

1.3. Уюшманинг асосий мақсадлари:

— бозор ислоҳотларига доир давлат сиёсатини амалга оширишда тижорат банкларининг ролини ошириш,

— Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириб, халқаро андозалар даражасига етказишнинг мустаҳкам негизи сифатида ягона банк тармоқларини вужудга келтириш,

— банк тизимини марказлаштирилган тарзда бошқаришнинг иқтисодий воситалари мавжуд бўлган тақдирда тижорат банклари мустақиллигини кучайтиришга кўмаклашиш,

— уюшма иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

1.4. Уюшма юридик шахс бўлиб, тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлайди, алоҳида мулки, мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисоб дафтарчалари, ўз номи ёзилган муҳри, штампи, иш қоғозлари ва эмблемаси (рамзи) бўлади.

1.5. Уюшма ўз номидан шартномалар тузади, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбурият олади, судда ва ҳакамлар судида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашади.

1.6. Уюшма мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки доирасида жавобгар бўлади. Уюшма давлат мажбуриятлари учун жавоб бермайди. Давлат эса уюшма мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

1.7. Уюшма иштирокчилари уюшманинг мажбуриятлари юзасидан уюшманинг низом маблағига қўшган улуши доирасида масъул бўлади.

1.8. Уюшма юридик шахс, шунингдек жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ва алоҳида бўлинмалар ташкил этишга ҳамда уларнинг низомларини тасдиқлашга ҳақлидир.

1.9. Уюшма фаолиятининг муддати чекланмаган.

1.10. Уюшма манзили — Тошкент шаҳри.

2. УЮШМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Уюшма ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларга эга:

— иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, хусусий секторнинг тикланиши даврида пул тизими барқарорлигини ҳамда халқ хўжалигининг устувор тармоқлари жадал ривожланишини таъминлашда тижорат банклари ролини оширишга кўмаклашиш;

— Ўзбекистон Республикасида банк ишини ривожлантиришда, Ўзбекистон ҳокимият ва бошқарув органлари, Марказий банки иқтисодиётни, пул муомаласини барқарорлаштириш ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш юзасидан ўтказадиган тадбирларда иштирок этиш;

— банк тизимига хизмат қилувчи ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш;

— бозор иқтисодиёти шароитида хориждаги ва малакатимиздаги тажрибани ўрганиш асосида банк ишларини ташкил қилишда уларга ёрдам бериш;

— банк ишида халқаро андозаларни жорий этиш;

— йирик дастурларни амалга ошириш учун банк ресурсларини жамлашда уларга кўмаклашиш;

— банк мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

— банкларнинг ўзаро ишончни, обрўсини, уларнинг раҳбарлари ва мутахассислари алоқаларини, банкларнинг ўзаро муносабатларида ва мижозлар билан муносабатларида ишончлилик, халоллик ва амалий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

— банкларнинг халқаро ҳамкорлигини рағбатлантириш, халқаро молия ташкилотлари, хорижий банклар, уларнинг иттифоқлари ва бошқа бирлашмалари билан амалий алоқаларни ривожлантириш;

— қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида, Марказий банкда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва молия органларида банкларнинг нуқтаи назарларини тақдим этиш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

2.2. Мазкур вазифаларни бажариш учун уюшма:

— банк тизимини ривожлантиришга кўмаклашадиган, унинг ишончлилиги ва мустақиллигини оширадиган, банкларни уларнинг кундалик фаолиятига аралашмаган ва назорат органларининг аралашувидан холи қиладиган ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига таклиф киритади;

— ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси банклари билан мувофиқлаштиради;— ҳокимлик ва бошқарув органлари билан алоқа ўрнатади;

— пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари, банклар ва бошқа кредит муассасалари фаолиятини назорат қилишни такомиллаштириш, пул муомаласини, кредит бозорини барқарорлаштириш ҳамда банкларга нисбатан окилона солиқ сиёсатини қўллаш хусусида таклифлар киритади;

— уюшма иштирокчиларига ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа маслаҳат ёрдамини беради;

— иқтисодиёт, банк иши, кредит ва қийматли қоғозлар бозори ривожланиши тамойилларини ўрганади, шу масалалар юзасидан уюшма аъзоларини хабардор қилиб туради;

— банкларни оператив, илмий-усулий ахборот билан таъминлайди;

— иш тажрибасини алмашиш, истиқболли таклифларни кўриб чиқиш ва амалий алоқалар ўрнатиш учун конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, кўргазмалар уюштиради;

— халқаро молия ташкилотлари, хорижий банклар ва уларнинг бирлашмалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

— республика иқтисодиётининг халқаро молия ҳамжамиятига кўшилиши учун шароит яратади;

— суғурта, инжиринг, лизинг, сармоя, траст компанияларини ва бошқа компанияларни таъсис этади;

— ахборот-ноширлик фаолияти билан шуғулланади;

— банк раҳбарлари ва мутахассисларининг касб маҳоратини оширишга кўмаклашади, ўқув юртлари билан биргаликда ходимларни қайта тайёрлаш мактаблари, марказлари ва курсларини ташкил қилади, мутахассисларнинг мамлакатда ва хорижда тажриба оширишини уюштиради;

— банкларни моддий-техника ресурслари ва дам олиш учун база билан таъминлашда уларга мадад беради;

— оммавий ахборот воситаларида тижорат банкларининг фаолияти, уларнинг ютуқлари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий турмушида уларнинг тутган ўрни кўрсатилишини ташкил қилади;

— ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

3. УЮШМА ИШТИРОКЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

3.1. Тижорат, кооператив банклар, қўшма банклар, хорижий сармоя банклари ва бошқа банк муассасалари, шунингдек банк тизимига хизмат кўрсатадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар уюшма иштирокчилари бўлиши мумкин.

3.2. Қуйидагилар уюшма иштирокчиларидир:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
«Саноаткурилишбанк»
«Агросаноатбанк»
«Тадбиркорбанк»
«ЎТ-банк» Ўзбекистон-Туркия қўшма банки
«Приватбанк» Ўзбекистон-Голландия қўшма банки
«Ўзинбанк»
«Инвестбанк»
«Тошкент акционерлик-тижорат банки»
«Автойўлбанк»
«Турон» банки
«Ипак йўли» инновация банки
«Авиабанк»
«Қурилишкомбанк»
«Ўзгеологбанк»

3.3. Уюшма иштирокчилари:

— уюшма ишларини бошқаришда иштирок этишга;

— уюшма фаолиятидан тушган фойданинг ўзи кўшган ҳиссага мувофиқ қисмини олишга;

— уюшма фаолияти тўғрисида тўла ахборот олишга, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар билан танишишга;

— низом жамғармасидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини низомда кўзда тутилган тартибда риоя килган ҳолда уюшма иштирокчиларига ёки учинчи шахсларга беришга;

— низом жамғармасидаги улушини низомда кўзда тутилган тартибда кўпайтиришга ҳақлидир.

3.4. Уюшма иштирокчилари:

— таъсис шартномасида ва уюшма низомида кўзда тутилган тартибда ва миқдорда пул ўтказишга;

— уюшма фаолияти тўғрисидаги сир сақланадиган ахборотни тарқатмасликка;

— уюшма иштирокчилари қурултойи қарорида кўзда тутилган миқдорда, усул ва тартибда қўшимча бадал киритишга;

— таъсис шартномаларининг қоидаларига риоя этишга;

— уюшмага нисбатан белгиланган тартибда зиммага олган мажбуриятларни бажаришга;

— уюшма фаолиятини амалга оширишда унга кўмаклашишга мажбурдир.

4. ЎЗ УЛУШИНИ БОШҚАЛАРГА БЕРИШ, ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВОРИСЛАРИ, УЮШМАДАН ЧИКИШ, УЮШМАДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ

4.1. Уюшма иштирокчиси бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан ўз улушини ёки унинг бир қисмини бир ёки бир неча иштирокчига бериши мумкин.

4.2. Иштирокчиларнинг келишувига мувофиқ улуш иштирокчилар томонидан учинчи шахсларга берилиши мумкин.

4.3. Уюшма иштирокчилари бошқа иштирокчининг бераётган улушини ёки унинг бир қисмини уюшманинг низом жамғармасидаги ҳиссасига мос келадиган миқдорда ёки улар ўртасида келишилган ўзгача миқдорда сотиб олишга афзаллик ҳуқуқидан фойдаланади.

4.4. Уюшма иштирокчилари ўз улушини ёки унинг бир қисмини бераётган иштирокчининг таклифидан шу таклифни ёзма равишда олганидан сўнг 1 ой ичида фойдаланиши лозим.

4.5. Улушни ёки унинг бир қисмини учинчи шахсга топшириши билан ўз улушини тўла ёки қисман топшираётган иштирокчининг барча ҳуқуқ ва бурчлари ҳам учинчи шахсга ўтади.

4.6. Иштирокчи воз кечаётган улушни уюшманинг ўзи сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолларда Уюшма уни бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга 2 ойдан ошмаган муддат ичида сотишга мажбурдир. Шу даврда фойдани тақсимлаш, шунингдек олий органда овоз бериш ва кворумни аниқлаш уюшма сотиб олган улуш ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади.

4.7. Уюшма иштирокчиси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда унинг ҳуқуқий меросхўри Уюшманинг розилиги билан унга кўшилиши мумкин.

4.8. Ҳуқуқий ворис уюшмага кўшилишдан воз кечган ёки уюшма ҳуқуқий ворисни қабул қилишдан бош тортган тақдирда унга мол-мулкдаги улуши пул ёки натура шаклида қайтариб берилади, унинг қиймати иштирокчи қайта ташкил этилган ёки тугатилган кундаги вазиятга қараб белгиланади. Бундай ҳолларда Уюшманинг низом жамғармаси миқдори, агар иштирокчилар қурултойида эгасига қайтарилган улушни тиклаш учун иштирокчиларнинг кўшимча бадали ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, камайтирилиши лозим.

4.9. Иштирокчи Уюшмадан чиққан тақдирда унга уюшма мол-мулкининг шу иштирокчининг низом жамғармасидаги улушига тенг миқдордаги қисмининг қиймати тўланади. Тўлов иштирокчи Уюшмадан чиққан йилдаги ҳисобот тасдиқлангандан сўнг берилади.

4.10. Иштирокчининг талабига биноан ва уюшманинг розилиги билан улуш тўла ёки қисман натура шаклида қайтарилиши мумкин. Уюшмадан чиққан иштирокчига уюшма мазкур йилда у чиққунга қадар олган даромаднинг тегишли қисми тўланади.

4.11. Уюшма иштирокчиси томонидан фақат фойдаланиш учун берилган мол-мулк натура шаклида мукофотсиз қайтарилади.

4.12. Уюшманинг ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки тегишлича бажармаётган, ёки бўлмаса ўз ҳаракатлари билан уюшма мақсадига эришишга тўсқинлик қилаётган иштирокчиси уюшма иштирокчилари қурултойининг уюшма аъзоларининг 2/3 қисми овози билан қабул қилган қарорига биноан Уюшмадан чиқарилиши мумкин. Бундай пайтда уюшмадан чиқариладиган иштирокчи овоз беришда қатнашмайди. Бундай ҳолларда иштирокчининг улуши мазкур низомнинг 4.9. ва 4.11. бандларида кўзда тутилган шартларга риоя этилган ҳолда қайтариб берилади.

5. УЮШМАНИНГ МУЛКИ

5.1. Уюшманинг мулки асосий фонддан ва айланма маблағ, шунингдек уюшманинг балансида акс этадиган бошқа мулклардан иборатдир. Уюшма мулки ўз мол-мулки ёки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича унга тегишлидир.

5.2. Уюшма мулкининг шакланиш манбаалари:

— иштирокчиларнинг пул ва моддий омонатларидан;

— маҳсулот сотиш, иш ва хизматни бажаришдан, хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлардан;

— банклар ва кредиторларнинг сайлаётган;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёки хайрия бадалларидан, эҳсонларидан;

— қонунда тақиқланмаган бошқа манбаалардан иборат.

5.3. Уюшма ўзига қарашли мулкни сотишга, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассаса арга текинга беришга, алмаштиришга, ижарага беришга, текин фойдаланиш учун беришга ёки қарзга беришга, шунингдек баланс ҳисобидан чиқариб ташлашга ҳақлидир.

5.4. Уюшма Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ фуқаролар мулки бўлмайдиган ва улар фойдалана олмайдиган воситалардан ташқари ишлаб чиқариш воситаларини ва бошқа мулкни фуқароларга сотишга, текинга беришга, ижарага беришга ҳақлидир.

5.5. Уюшма низомда кўзда тутилган мақсадларга кўшимча равишда маблағ жалб этиш учун амалдаги қонунларга мувофиқ равишда қимматли қоғозлар чиқариш ва сотишга ҳақлидир.

6. УЮШМАНИНГ ЖАМҒАРМАЛАРИ, ФОЙДАЛАРИ, ЗАРАРЛАРИ

6.1. Иштирокчиларнинг улушлари ҳисобидан уюшма фаолиятини таъминлаш учун 100 миллион сўм миқдорида низом жамғармаси тузилади.

Низом жамғармасини барпо этишда қўйидагилар иштирок этади:

Номи	Улуш миқдори (миллион сўм)	Низом жамғармасидаги улуши
1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки		
2. «Ўзсаноатқурилишбанк»		
3. «Агросаноатбанк»		
4. «Ўзтадбиркорбанк»		
5. «ЎТ-банк» Ўзбекистон-Туркия қўшма банки		
6. «Приватбанк» Ўзбекистон Голландия қўшма банки		
7. «Ўзинбанк»		
8. «Инвестбанк»		
9. «Тошкент акционерлик-тижорат банки»		
10. «Автойўлбанк»		
11. «Туронбанк»		
12. «Ипак йўли» банки		
13. «Авиабанк»		
14. «Қурилишбанк»		
15. «Геологбанк»		

6.2. Иштирокчилар ўз ҳиссаларини таъсис ширтномасида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тўла ўтказишга мажбурдирлар.

6.3. Ўз ҳиссасини тўла ўтказган уюшма иштирокчисига гувоҳнома берилади. Гувоҳнома қийматли қоғоз ҳисобланмайди.

6.4. Янги қабул қилинувчи иштирокчиларнинг низом жамғармасига ҳисса кўшиш тартибини уюшма иштирокчилари қурултойи белгилайди.

6.5. Иштирокчиларнинг ҳиссаси қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) сўмда ҳамда хорижий валюта;

б) бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк;

в) машина-ускуналар, транспорт воситалари ва ўзга мулк;

г) қийматли қоғозлар;

д) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, аҚлий маҳсулот ва ўзга мулк.

6.6. Иштирокчи қўшадиган мулк ва мулкка алоқадор бўлмаган ҳуқуқ қиймати уюшмани барпо этиш чоғида иштирокчилар қурултойи томонидан аниқланади.

6.7. Агар уюшма иштирокчиси мол-мулкини фақат фойдаланиш учун берган бўлса, унинг ҳиссаси миқдори ана шу мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

6.8. Уюшма фойдаланиши учун бериладиган мол-мулк нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи шу мол-мулкни берган иштирокчи зиммасига тушади.

6.9. Уюшма низом жамғармаси миқдорини иштирокчиларнинг ундаги улушини кўпайтириш ёки камайтириш йўли билан ошириши ёки қисқартириши мумкин.

6.10. Низом жамғармасини ўзгартириш ва бадал кўшиш тартиби тўғрисидаги қарор иштирокчилар қурултойи томонидан қабул қилинади.

6.11. Уюшманинг кредиторлари эътироз билдирган тақдирда низом жамғармаси камайтирилишига йўл қўйилмайди.

6.12. Уюшманинг соф фойдаси белгиланган тартибга мувофиқ қонунда кўзда тутилган солиқлар тўланганидан сўнг ташкил топади.

Уюшма иштирокчилари уюшма хўжалик фаолияти баланси чиқарилиб, соф фойда миқдори аниқланганидан сўнг фондга ажратиладиган ва иштирокчилар орасида уларнинг низом жамғармасидаги улушига мувофиқ таксимланадиган миқдорни белгилайдилар.

6.13. Уюшма низом жамғармасининг 15 фоизи миқдорида захира жамғармаси тузади. Захира жамғармаси бу захира белгиланган миқдорга етгунига қадар унга фойдадан ажратиладиган пул ҳисобидан шаклланади.

Йиллик ажратма миқдори уюшма соф фойдасининг 5 фоизини ташкил этади.

Уюшмада «Банкларнинг марказлаштирилган жамғармаси» барпо этилади. У уюшмада иштирок этувчи барча банклар балансида кўрсатиладиган фойдадан 3 фоиз миқдоридаги маблағдан ташкил топади.

6.14 Уюшманинг зарарлари захира жамғарма ҳисобидан, захира жамғармаси маблағи етмаган тақдирда уюшмадаги мавжуд бошқа маблағ ҳисобидан қопланади. Бу маблағ ҳам етмаган тақдирда уюшма мол-мулкини сотиш ёки қўшимча бадаллар ҳисобидан қопланади.

7. УЮШМАНИ БОШҚАРИШ

7.1. Иштирокчилар қурултойи уюшмани бошқаришнинг олий органидир. Қурултой делегатлар ва банк вакилларидан иборат бўлади.

Уюшма иштирокчиси ўзининг қурултойда қатнашиш ваколатини бошқа иштирокчига топширишга ҳақлидир.

7.2. Иштирокчилар уюшманинг низом жамғармасида иштирокчи улушининг бир фоизи — битта овоз ҳисобидан низом жамғармасидаги улуши миқдорига мувофиқ келадиган овоз миқдорига эгадир.

7.3. Иштирокчилар қурултойини уюшма кенгаши чақиради. Кенгаш қурултой ишига раҳбарлик қилади, протокол юритишни ташкил этади, мазкур низомдан келиб чиқадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Протоколлар дафтари исталган вақтда иштирокчига тақдим этилиши лозим. Уларнинг талабига биноан протоколлар дафтаридан кўчирма берилиши керак.

7.4. Қуйидагилар иштирокчилар қурултойининг бевосита ваколатига киради:

— уюшма фаолиятининг асосий ва устувор йўналишларини белгилаш;

— уюшма низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

— кенгаш раисини, унинг аъзоларини, уюшма тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, чақириб олиш;

— низом жамғармасини ўзгартириш;

— иштирокчининг улушини уюшма сотиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

— иштирокчиларнинг қўшимча бадаллари миқдори, шакли ва бу бадалларни киритиш тартибини белгилаш;

— иштирокчини уюшмадан чақириб юбориш;

— уюшма фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш.

7.5. Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, унинг режаларини ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, уюшма низомини, унинг низом жамғармасини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар уюшма иштирокчиларининг тўртдан уч қисмини ташкил қилувчи кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қолган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7.6. Иштирокчилар қурултойи уч йилда камида бир марта чақирилади. Уюшма кенгаши ёки жами овозларнинг йигирма беш фоизидан кўпроғига эга бўлган уюшма иштирокчилари навбатдан ташқари йиғилишни чақириши мумкин. Иштирокчилар қурултойи тафтиш комиссиясининг талаби билан ҳам чақирилиши мумкин.

7.7. Уюшмада иштирокчилар қурултойлари оралиғида уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган уюшма кенгаши тузилади.

7.8. Уюшма кенгашига иштирокчилар қурултойи томонидан уч йил муддатга сайланадиган раис бошчилик қилади.

7.9. Қуйидагилар уюшма кенгаши ваколатларига киради:

— уюшманинг йиллик режаларини ҳамда уларнинг бажарилишига доир ҳисоботларни тасдиқлаш;

— уюшма, жумладан, унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини тасдиқлаш, шунингдек тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосалари натижаларини, даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш тартиби ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлаш;

— дирекциянинг бош директорини, унинг ўринбосарларини, Уюшмага қарашли корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

— Олий Мажлис қўмиталарида, Вазирлар Маҳкамасида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқарувида, ўзга бошқарув ва ҳокимлик органларида маслаҳат овози билан уюшма иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш;

— уюшма фаолиятининг қоидаларини ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, уюшманинг ташкилий тузилишини белгилаш;

— уюшмага қарашли корхоналарни, филиаллар ва ваколатхоналарни барпо этиш, қайта тузиш ва тугатиш, улар ҳақидаги низомларни тасдиқлаш;

— бошқа шахслар билан қўшма корхоналар барпо этиш;

— бошқа юридик шахсларнинг акцияларини ва низом жамғармасида иштирок этиш улушларини сотиб олиш;

— дирекция раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқариш;

— уюшма активларини бошқариш мақсадлари ва миқдорларини олдиндан маъқуллаш;

— «Ўзбекистон банклари уюшмаси марказлашган жамғармаси»дан Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш эҳтиёжлари учун фойдаланишга розилик бериш.

Уюшма кенгаши агар зарур деб топса, ўз ваколатларининг бир қисмини уюшма дерекциясига топширишга ёки бош директорнинг ваколатларини исталган вақтда чеклаб қўйишга ёки бутунлай тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

7.10. Кундалик фаолиятига раҳбарликни бош директор бошчилигидаги уюшма дирекцияси амалга оширади.

7.11. Бош директор иштирокчилар қурултойига ва уюшма кенгашига ҳисоб беради ҳамда уларнинг қарорлари бажарилишини ташкил қилади. Бош директор уюшма иштирокчилари

Навбатдаги босқич — акциялаштиришни такомиллаштириш

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ҳозир вилоятимизда 332 та очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб турипти. Сўнгги кунларда яна 39 давлат корхонаси депозитарийдан ўтди. 20 та ҳиссадорлик жамиятининг эмиссия проспекти молия идораларида рўйхатга олинди. Махсус инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ҳамкорлик янада кенгайиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қароридан кейин вилоятимизда давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу муҳим соҳасида қандай силжиш юз берди? Мухбиримиз шу каби саволлар билан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳиссадорлик жамиятларини рўйхатга олиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Р. Р. РАҲМОНОВга мурожаат қилди.

— Шуни мамнуният билан қайд қилиш лозимки, — деди Равшан Рустамович. — Юртбошимизнинг ушбу Фармони давлат корхоналарини акциялаштиришни ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришнинг аниқ йўл-йўриқларини кўрсатиб берганлиги билан катта аҳамиятга эгадир. Унда акциялаштиришни амалга ошириш тартибини ниҳоятда соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган, бу ишга тўсқинлик қилаётган қатор тўсиқлар олиб ташланди, акциялаштириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш кескин енгиллашди.

Вилоятимиз фоалларининг ҳиссадорликни янада тезлаштириш ва такомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгашида акциялаштиришнинг бориши ва қимматли қоғозлар бозорини барпо этишда юзага келган аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Бу анжуман акциялаштиришни жадаллаштириш бўйича вилоятимиз мутасадди ташкилотлари олдида турган вазифаларни муфассал баён қилиб берди.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда 322 та очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб турипти. Албатта, бу етарли эмас. Кўпчилик саноат корхоналари, ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг янгича ишлашга тайёргарлиги сустлиги, мулк шакли ўзгарган шароитларда фаолият кўрсатиш кўникмаларига эга эмаслиги, янгиликка ишончсизлик билан қарашлари ва бошқа шу каби сабаблар акциялаштиришга ҳалақит бермоқда.

Лекин, Президентимиз Фармони улардан бу ишга муносабатларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам акциялаштириш сезиларли даражада тезлашди. Ушбу Фармон чиққанидан кейин ўн беш кун ўтгач 39 та давлат корхонаси «Вақт» миллий депозитарийси рўйхатидан ўтди. Уларга «Депо» ҳисоб рақамлари очилди. Ваҳоланки, агар бу иш бошланган ўтган йилнинг октябридан бери фақат 100 та атрофидаги корхона-ташкилотлар депозитарийда ҳисобга олинган эди, холос.

Ёки эмиссия проспектини олиб кўрайлик. Фармондан кейинги қисқа вақт ичида йигирмата ҳиссадорлик жамиятининг эмиссия проспекти молия идоралари томонидан рўйхатга олинди. Бу кейинги пайтда акциялаштириш ишлари сезиларли даражада тезлашганидан далолат беради.

Бундан ташқари ўз акцияларини чиқарган ҳиссадорлик жамиятлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир уларни деярли барча шаҳарлар ва туманларда учратиш мумкин. Йирик саноат корхоналари қатори савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат, умумий овқатланиш, дорихона муассасалари ва бошқалар ўз акцияларини бозорда сотишди ёки сотишмоқда.

— Ҳиссадорлик жамиятлари, албатта, ўз акцияларини чиқаришлари лозимми! Ҳозирги вақтда бундай қимматли қоғозларни чиқариш учун анчагина маблағ керак бўлади. Барча корхона-ташкилотлар ҳам бунга қодир эмаску.

— Жуда тўғри фикрни айтдингиз. Бозор муносабатлари ўз мавқеини кун сайин мустаҳкамлаётган ҳозирги кунда ҳамма ҳиссадорлик жамиятлари ҳам, нақд акцияларни чиқариш имконига эга эмас, бунга қурбилари келмайди. Чунки, ҳар бир акция ҳимоя қилиниш даражасига қараб қимматлашиб бораверади. Агар акциялар корхонанинг катта-кичиклигига қараб минг-ўн минг доналаб чиқариладиган бўлса бунинг учун қанча маблағ талаб қилинишини тасаввур этиш қийин эмас.

Шуни эътиборга олиб депозитарий хизмати йўлга қўйилди. Бунда нақд акцияларни тайёрлаш ва бунинг учун кўплаб маблағ сарфлаш шарт эмас. Ҳиссадорлик жамиятлари акциялари ва уларни сотиб олган ҳиссадор юридик ва жисмоний шахслар компьютерларга киритилади. Унда ким қанча акция (қоғозда эмас, албатта) олганлиги аниқ кўрсатилади. Бундай хизматдан фойдаланиш учун эса муайян миқдорда ҳақ тўланади. Бироқ у акцияларни қимматли қоғозлар тарзида тайёрлатишга нисбатан жуда арзонга тушади. Акциялар сони кўп бўлгани сари фоиз шаклида олинадиган хизмат ҳақи камайиб бораверади. Шу сабабли вилоятимизда нақд акциялар чиқарган ҳиссадорлик жамиятлари ўз акцияларини депозитарийда рўйхатга олдирганларга нисбатан бир неча баравар кам.

— Ҳиссадорлик жамиятлари очиқ тоифада бўлса уларнинг акцияларини истаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс сотиб олиши мумкин. Ҳатто, шундай ҳуқуқ чет эллик сармоядорларга ҳам берилади. Уларни кўпроқ жалб қилиш, бу билан ҳорижда яратилган илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга эришиш тамойили қўллаб-қувватланмоқда.

— Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштириш, уларни асосан очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантиришга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Жамият очиқ бўлса, унинг акцияларини бевосита жамоанинг ўзи қатори бошқа юридик ва жисмоний шахслар, ҳатто чет элликлар ҳам сотиб олиши мумкин.

Вилоятимизда шундай қилган ҳорижий ҳиссадорлар ҳам бор. Тўғри, ҳозирча уларнинг сони кам, кўпайтириш учун имкониятлар ишга солинмоқда. Чунончи, бошқармамиз махсус инвестиция дастурини тайёрлаб, уни чет элларнинг мамлакатимиздаги деярли барча элчихоналари, ваколатхоналарига, ҳорижий банкларнинг бу ердаги бўлинмаларига юборди. Унда иқтисодиётнинг қайси тармоғида қандай ҳамкорлик қилиш мумкинлиги, давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхона-ташкилотлар рўйхати, хусусиятлари, ишлаб чиқариш даражаси ва бошқа шу каби тавсифлар берилган. Бу ҳам ҳорижий сармоядорларни ҳамкорликка жалб қилишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

«Патие Централ-Эйша ЛТД» шундай чет эл ҳиссадорларининг биридир. Буюк Британиянинг бу фирмаси ишлаб чиқаришнинг қатор соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйган. Газалкентдаги шароб - озиқ-овқат комбинати акцияларининг бир қисмини опцион орқали сотиб олди. У комбинат чиқарган қимматли қоғозларнинг 14 фоизига эгалик қилмоқда. Бундан ташқари, қатор пахта тозалаш заводлари эгалари сафига ҳам қўшилди. Бектемир, Чиноз, Оққўрғондаги шундай ҳар бир корхона чиқарган акцияларнинг 19 фоизини ўз қўлида сақламоқда. «Аль-Пари Холдинг» қўшма корхонаси ҳам шундай ҳиссадорлар сафига қўшилган. У Уяли луб заводи акцияларининг 19 фоизини опцион орқали сотиб олди ва бу корхона эгалари ўртасида салмоқли ўринни эгаллаб турипти.

Республикамиз Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида қайд қилинганидек, «Бир қатор акциялаштирилган корхоналарнинг ҳатто қисқа муддатдаги фаолияти ҳам улар ишининг анча яхшиланганидан, акционерлар даромадининг кўпайганлигидан, мулкдорлик туйғусининг, ижодий ва меҳнат потенциалнинг сафарбарлиги ошганлигидан далолат бермоқда». Шу туфайли ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг муҳим бўғини ҳисобланган бу иш кўламини муттасил кенгайтириб бориш, бу билан иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашишига эришиш лозим. Биз ўз йўлимиз билан бу вазифанинг бажарилишига ҳисса қўшиб бораверамиз, бу соҳада маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаймиз. Айни вақтда ўз фаолиятимиздаги камчиликларни, улар анчагина бор, бартараф этиш учун саъи-ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз.

Суҳбатдош М. МИРҲАМИДОВ.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

— турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият (корхона). Муомалага номинал қиймати кўрсатилган акциялар чиқариш ва уни сотиш бундай жамиятнинг молиявий негизини ташкил этади. Акция эгалари — ширкатчилар дивиденд шаклида даромад оладилар. Акционер жамиятнинг очиқ ва ёпиқ кўринишлари бор. Ёпиқ акционер жамият — жамият акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тарқатилади. Очиқ акционер жамият — жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади. Акционер жамият юридик шахс бўлиб, мажбуриятлари учун ўзига тегишли мулк доирасида жавоб беради. Акционер жамиятлар эркин капиталларни марказлаштириш шакли ва шу билан бир қаторда аҳоли кенг қатламларининг жамғармаларини сафарбар қилиш, уларни капиталга айлантириш воситаси ҳамдир. Бунда акциялар чиқариш, ширкатчилик жамиятларида иш ҳақи ва мукофотнинг бир қисмини ишчиларга корхона акцияси билан тўлаш сифатида тақсимлаш амалга оширилади. Собиқ СССРда 30-йиллар бошигача савдо ва саноат соҳаларида давлат, аралаш, хусусий, кооператив мулк шаклига асосланган 161 акционер жамият мавжуд бўлган. Ўзбекистонда биринчи акционерлик жамияти 1989 йили ташкил топди.

Шеърият

Шоир ҚАМБАР Ота номини мухлислар яхши билишади. Унинг бир неча китоблари чиққан, кўпгина шеърлари қўшиқ қилинган. Доимо изланишда бўлган шоир яқинда таҳририятимизга ташриф буюриб, ўзининг янги шеърларидан бир қанчасини тақдим этди. Қуйида улардан намуналар ўқийсиз.

ҚАМБАР ОТА

ЎЗБЕКИСТОН

Оламда ватанлар аро Ватаним Ўзбекистон,
Сендан ўзга бир жаҳон йўқ, жаҳоним Ўзбекистон.
Гул яшнаган чаманлар кўп, аммо танҳосан ўзинг,
Таърифинг достонга сигмас, чаманим Ўзбекистон.

Истиқлол, эркингни истаб энг асл фарзандларинг
Умрини йўлингга тикди, армоним Ўзбекистон.
Дилда ақл, заковатин бахшида этди халқинг,
Энди ўзинг мадад бўлгил, дармоним Ўзбекистон.

Сармоянг белимга қувват, қудратинг бошимга тож,
Меҳрибоним ўзингсану посбоним Ўзбекистон.
Шуҳратинг дунёни қучсин бахту-тахтингга қуллуқ,
Она Ер кўкда Қуёш, Осмоним Ўзбекистон.

Сен шону-шавкатиму, сен танҳо паноҳимсан,
Сувим, ноним, нафасимсан, имконим Ўзбекистон.
Шаънингга мадҳ ўқир Қамбар Ота шоиринг,
Саждагоҳим, пойдомоним, иймоним Ўзбекистон.

СОФЛИК

Муқаддас тошларни минг тавоф қилиб,
Кўкўпар тоғлардан ерга интилиб.
Оби-ҳаёт бўлиб эриган муз, қор —
Ирмоққа, дарёга айланиб оқар.

Шаффоф ҳаёлида ризқ-рўз яратмоқ,
Чанқоқни қондирмоқ, ҳаёт бахш этмоқ,
Мақсади — келинлар сочини ювмоқ,
Гўдаклар танидан губорни қувмоқ.

Ҳаёт, умр йўлида зап тозалик бор,
Бетакрор ҳалоллик, покизалик бор.
Пода кечиб ўтиб лойқатган билан,
Уни ифлос қилолмас зиҳ̆ор базиҳ̆ор.

*

Шайтон фириб берар,
Шайтон алдайди.
Йўлдан оздиргунча минг бор аврайди.
Ҳаётда бўлса гар шайтондан дўстинг,
О, эсиз бор экан жонингдан қасдинг.

Томир-томирингга чирмашиб олган,
Севгидай жонингга тирмашиб олган,
Тизгинсиз балои нафсингдир шайтон,
Борлиғинг маҳв этган афсундир шайтон.

Шайтонга минг хил тош отган мусулмон,
Билмас, не гуноҳга ботган мусулмон,
Не бир гиёҳларни қийратган тоши.
Фитнанинг уяси — шайтоннинг боши.

То бу нобакорлар кетмасин урчиб,
Эй қалбим, адо эт, инсоний бурчинг.
Энди кўзлаб отган биронта тошинг,
Зое кетмай, ёрсин шайтоннинг бошин.

НОЗИК НОЗЛИ ҚИЗ

(қўшиқ)

Кўксимга кириб олибсиз-о, нордай йигит,
Кўксимга кириб олибсиз-о, қирдай йигит.
Нор юкини, рост кўтарадиган севгим бор-о,
Тоғни ҳам даст кўтарадиган севгилим бор-о.

Полвон йигит мани бунчалар нозик деманг,
Тақдир, севги ўйинлари кўп қизиқ, деманг,
Назарга илмай, бизни асло ҳаволанманг,
Шу ҳам менга ёр бўларми, деб яна тонманг.

Худойим сийлаб Ҳасан-Ҳусан ўғил берса,
Кетидан бир кун Фотма-Зуҳра қизлар кўрсак.
Хизматимда мисоли елдай елмай кўринг,
Ёқимли ювош қўзичоқдай бўлмай кўринг.

Кўксимга беҳос кириб қолган нордай йигит
Юрагимдан ўрин олган-о, қирдай йигит.
Нор юкини, рост кўтарадиган севгим бор-о,
Тоғни ҳам даст кўтарадиган севгим бор-о.

Кино оламида

«ЗУМРАША»НИНГ ҚУВНОҚ КУЛГУСИ

Шўх мусиқа остида, тухумдан энди чиққан қулоқсиз жўжача ҳеч кимга сездирмай оқ қоғозга алланималарни ёзади-ю, қочиб қолади. Сўнгра гўё бир нарса эсига тушгандек қайтиб келиб, ойнани синдириб кетади.

«Ўзбекфильм»да суратга олинган янги, ҳажвий воқеалар тўплами — «Зумраша» ана шундай бошланади. Киножурнал болаларга мўлжалланган учун унда асосий ролларни болалар ижро этишган.

Журналда воқеалар турли жой, турли шароитларда кечади. Бу турфахиллик, ранго-ранглик томошабин эътиборини ўзига жалб этади. Шу ерда рассом мультипликаторнинг ишига қойил қолса арзийди. У бўёқлар билан саҳифаларни ранг-баранг, жонли қилиб безатган. Безак ишлари баробарида журналга танланган мусиқа ҳам ўзига хос шўхчан, болаларбоп.

Фильм қаҳрамонлари жуда топқир ва ҳозиржавоб. Тўғри, баъзида уларнинг ўзларини доғда қолдиришса-да, уларнинг соддалиги, гапириш оҳанги, ўзини тутишлари сизга беихтиёр ўша шўх-шодон, беғубор болалигингизни эслатади.

«География дарсида», «Жазо», «Борса келмас», «Чемпион» фильмлари мароқлилиги билан ажралиб туради. Уларда янги, кўз илғамас воқеалар, айни замонда муаммолар кўтарилган. Улар ҳажвий тарзда, болалар дунёқараши ила, улар тилидан очиб берилади.

Кейинги пайтда ёшларга, болаларга аталган кўрсатувлар сони камайиб кетганди. Яхшики, энди бу камчиликларга барҳам берилмоқда. «Зумраша»ни ҳам шулар қаторига, яъни ўсмир ва болалар учун янгидан пайдо қилинаётган кўрсатувлар сирасига киритиш мумкин.

Лекин бизнинг назаримизда янги журнал баъзи нуқсонлардан холи эмас. Масалан, «Лафз» фильмини олайлик. Қўйилган мақсад аниқ англанмайди, масала тўла ойдинлаштирилмаган. Баъзи жойларда суньийлик сезилиб қолмоқда. Колаверса, қўйилган сарлавҳалар ҳам воқеаларга унчалик мос тушмайди.

Мохигул АЗИМОВА, ТошДУ талабаси.

ХАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 17

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
18.50 "Келармикан". Кичик концерт.
19.05 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Туркистон — умумий уйимиз".
20.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ноширлар мактаби".
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 1-қисм.
23.05 Эълонлар.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдиқлайди:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Йўлингиз бехатар бўлсин!".
19.40 "Бу бўстон аро...".
20.10 "Спорт-тайм".
20.40—22.50 "Одессанинг жасорати". Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
20.40 — 23.35
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Таушен". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" тақдиқлайди:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Индинги кун жадвали". Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 "Истеъдод". Нилуфар Усмонова.
10.15 "Абитуриент-95". Физика.
10.45 "Ёшлик" студияси. "Талабалиқ йилларим".
11.25 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 1-қисм.
12.30 — 14.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
19.00 "Тафаккур" журнали — меҳмонимиз".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Уч юрак зарби". Ака-ука Исломовлар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Абитуриент-95". Бевосита мулоқот.
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдиқлайди:

18.30 "Табиат дунёси".
19.00 "Мультфейерверк".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
20.40 — 00.35
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Янги иқтисод".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқиб".
20.25 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.35 "Жаҳон ва биз".
22.15 "Соккер-клуб".
23.00—23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Шкид республикаси". Бадиий фильм.
9.35 Алифбо сабоқлари.
10.05 Янги китоблар.
10.35 "Абитуриент-95". Математика.
11.05 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки...".
11.45 "Буни ҳамма билиши керак".
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.55 "Саломат бўлинг!".
13.15 — 14.20 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Ижод саҳифалари". Ҳусниддин Шарипов.
19.00 "Кеча ва бугун".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Абитуриент-95". Тест варақалари қандай тўлдирилади?
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 4-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдиқлайди:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Янгиликлар.
19.15 Видео янгиликлари.
19.35 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
20.40 — 00.50
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Мюзик-холл" (такрор.).
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" тақдиқлайди:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Оқ бино оқшомлари". Қисқа метражли бадиий фильм.
8.50 Лирик концерт.
9.15 Инглиз тили.
9.45 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
10.15 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.45 "Ишбилармон".
11.15 "Ёшлар билан юзма-юз".
11.55 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 3-қисм.
13.00 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
13.30 — 14.20 "Талабалар саҳнасида".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Ижод саҳифалари". Ҳусниддин Шарипов.
19.00 "Кеча ва бугун".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Биздан озод ва обод Ватан қолсин".
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.30 "Маданиятимиз дурдоналари".
22.10 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.40 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЖУМА, 21

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!", Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Эрта тонг". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
10.35 "Унутилмас сатрлар". К. Камий.
11.15 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
11.55 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 4-қисм.
13.00 "Турон чечаклари" дастасининг концерти.
13.30 — 15.20 "Маърифат" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Болалар меҳмонхонаси".
18.40 "Ҳаракатда — баракат".
18.55 "Мен ва дунё".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.05 "Табаррук қадамжолар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.
22.15 "Олтин мерос". Халқ артисти Шукур Бурхонов.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдиқлайди:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
19.25 "Экология ва ҳаёт".
19.55 "Тошкентнома".
20.55 — 23.55 "Прерия", "Онтарио соҳилидаги бўлган воқеа". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
20.40 — 23.25
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Ширу-шакар" (тожик тилида).
10.40 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
11.10—12.20 Болалар учун фильм. "Кичик Мукнинг саргузаштлари".
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Жонли сайёра" (такрор.).
19.15 "Лаваш". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Фармон ва ижро".
20.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.45 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
21.20 "Манитор—Азия". Тележурнал.
21.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 "Эллада".
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10—23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Қиз Жибек". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
10.20 Болалар учун. "Садоқат".
11.20 "Жаҳон жанговор санъатлари".
11.50 "Ёшлик" студияси. "Умид".
12.50 "Оналар мактаби".
13.20 "Хотира". Ғафур Азимов.
14.00 "Ҳовлимиздаги стадион".
14.20 — 14.50 "Оламни асранг!".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Буюк фирқавнлар юрти".
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 "Ёшлик оқшоми".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 Эълонлар.
22.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдиқлайди:

9.00 "Табиат дунёси".
9.50 "Мультфейерверк".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.10 "Кинонигоҳ".
14.50 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
***

"Тошкент" студияси тақдиқлайди:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Дарсга қўнғироқ".
19.55 "Кинотриада".
20.55 "Фантазия, ритм, балет" (Фарғона шаҳри).
21.25 "Пульс". Хабарлар.
21.40 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III

17.25 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
20.40 — 23.25
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Ширу-шакар" (тожик тилида).
10.40 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
11.10—12.20 Болалар учун фильм. "Кичик Мукнинг саргузаштлари".
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Жонли сайёра" (такрор.).
19.15 "Лаваш". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Фармон ва ижро".
20.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.45 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
21.20 "Манитор—Азия". Тележурнал.
21.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 "Эллада".
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10—23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шоҳруҳ" клуби.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.30 "Қушиқларим сизга армуғон". Хонанда Ҳожиакбар Раҳматов.
12.00 Абдулла Қодирий. Ҳажвий новеллалар.
12.50 "Цирк! Цирк! Цирк!"
13.35 — 14.25 "Халқ ижодиёти". Умир бахши Сафар ўғли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Қушиғим, жон қушиғим".
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино усталари". Сулола.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Якшанба оқшомида".
22.25 "Имконият". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.25 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдиқлайди:

10.00 "Омад" тақвими".
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Янгиликлар.
10.45 Видео янгиликлари.
11.05 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 — 14.20 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Табассум учун".
22.10 "Америка юлдузлари".
22.40 Эълонлар.
22.45 "Даракчи".
22

Савол сиздан, жавоб биздан

НОН ДАРАХТИ

Одамлар нон дарахти ҳақида гапиришади. Наҳотки, у ҳам дарахтда нишса, тандир ўрнига офтобда пишадими?

Г. ХУСНИЕВА,
Паркент шаҳри.

Нон дарахти асосан Океания архипелаги ва Шарқи-Жанубий Осиёда ўсади. Маҳаллий аҳоли бу дарахт меваси дан нон ёпади, пўстлоғи ва баргидан кийим-кечак сифатида, поясидан том сифатида фойдаланилади. Шундай дарахтдан икки ёки учтаси бир кишини бутун йил давомида боқа олади. Бу дарахт меваси цилиндр шаклида бўлиб, узунлиги 20-35, йўғонлиги эса 10-15 сантиметр келади. Мева пўстининг ичида қовоққа ўхшаш сариқ тусдаги ширин ковакли қуруқ масса бўлади. Мева аста-секин пишиб, ноябрь ойларидан то апрелнинг охиригача йиғиб олинади. Хўл меванн шундайлигича ўраларда то янги мева пишгунигача сақлаб қўйиш мумкин. Агар нон дарахтининг совуққа чидамли навлари етиштирилса, уни Қрим, Молдавия, Украина, Шимолий Кавказ, Ўрта Осиёда ҳам экиш мумкин бўлади. Бир гектар ердаги 400 туп нон дарахти бир йил давомида 150-200 кишини боқа олади. Ваҳоланки бир гектар ерда 15-20 центнер ҳосил берадиган буғдой ёки сули бир йил давомида 7-10 киши учун етарли, холос.

БАЛИҚСИЗ ДЕНГИЗ

Дунёдаги суви энг шўр денгиз қайси? Шу ҳақда билишни истардим.

М. АШУРОВА,
Оҳангарон тумани.

Планетадаги суви энг шўр денгиз Иордания ва Исроил давлатлари оралиғида жойлашган Ўлик денгиз ҳисобланади. Унинг сатҳи дунё океанига нисбатан 400 метр пастда жойлашган. Денгизнинг узунлиги 75 километр, энининг энг кенг жойи эса 18 километр. Денгиздан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмайди. Бу денгиздаги туз миқдори эса дунё океанига нисбатан олти марта кўпдир.

ЯНА СОЛИҚЛАР ҲАҚИДА

— Қишлоқ хўжалиги корхоналарида рентабеллик 40 фоиздан ошган тақдирда икки ставка бўйича солиқ солинадими?

Р. АШУРОВ,
Бука тумани.

— Бу ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарига даромад солиғи бўйича 20 фоиз миқдорда солиқ солинади.

•

— Қишлоқ хўжалиги корхоналари қандай солиқ идораларига ҳисоботлар топширадилар? Ушбу ҳисоботлар йилнинг ҳар бир чораги бўйича тайёрланадими ёки йил якуни бўйичами?

М. ШОМИРЗАЕВ,
Тошкент тумани.

— Қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ идораларига ҳақиқий олган даромаддан йилда бир марта ҳисобот топширадилар.

•

Асосий воситалар қийматига қайси турдаги меҳнат воситалари киради?

Ш. АҲМЕДОВ,
Зангиота тумани.

— 100 сўмдан юқори бўлган меҳнат воситалари асосий воситалар деб ҳисобланади.

•

— Шу йил июль ойидан бошлаб корхоналарда назорат-касса аппарати жорий этилади. Айтингчи, ушбу аппаратларни рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай бўлади?

Т. АБРОРОВ,
Чирчиқ шаҳри.

— Назорат-касса аппаратини солиқ идораларида рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 17 мартдаги 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Шунга мувофиқ назорат-касса аппаратини ўрнатиш лозим бўлган корхона жойлашган худуддаги солиқ идорасига назорат-касса аппаратини рўйхатга олишни сўраб, белгиланган тартибда ариза топширади ва унга назорат-касса машинасининг тегишли паспортини ҳам қўшиб беради.

Солиқ идоралари аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқий эканлигини текшириб, беш кундан кечиктирмаган ҳолда белгиланган тартибда ушбу аппаратни рўйхатга олади ва корхонага унинг карточкасини беради. Назорат-касса машинасининг эслаб қолиш ячейкаси калити эса солиқ идорасининг бошлиғида сақланади.

•

— Корхоналардаги мавжуд эслаб қолиш ячейкаси бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш муддати бир йил эканлиги рростми?

К. СОПИЕВ,
Янгибозор қўрғони.

— Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланиш учун тавсия қилинган назорат-касса машиналарининг айрим моделларига ҳақиқатан ҳам 1996 йил 1 июлигача фойдаланишга рухсат берилган эди. Аммо янги таомилга асосан 1995 йилнинг 1 августигача корхона томонидан сотиб олинган ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган назорат-касса аппаратларидан улар жисмонан эскиргунига қадар фойдаланишга рухсат берилди.

•

— Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда қандай корхоналарга назорат-касса аппаратларини қўймасдан ишлашга рухсат берилган?

А. ҚОДИРОВ,
Оққўрғон тумани.

— Республика Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ҳамда Адлия вазирлиги томонидан шу йилнинг 15 февралида тасдиқланган 124-сонли «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда мажбурий равишда назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-иловасига биноан республика Молия вазирлиги тасдиқлаган формадаги чеклар, квитанциялар, талонлар, билет бериш йўли билан ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасалар ва жисмоний шахсларга газета ва журнал сотувчиларга, сабзавот ва полиз маҳсулотларини бозорларда ёйиб сотадиган, шунингдек самолёт ва поездларда савдо қиладиган корхона, ташкилот ва жисмоний шахсларга назорат-касса аппаратларини қўймасдан ишлашга рухсат берилган.

(Ушбу жавобларни Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасининг бўлими бошлиғи Ғ. ИСМОИЛОВ, катта инспекторлар С. АБУБАКИРОВ, З. АБДУЛЛАЕВЛАР тайёрладилар).

КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА

Кўпчилик санъат ихлосмандлари иқтидорли рассом Абдурасул Ҳакимовнинг номини яхши биладилар. У чорак асрдирки, ҳажвий мавзуларда расмлар ижод қилади, матбуотда ҳам ана шундай ўткир ҳажвий асарлари билан тез-тез катнашиб туради. Яқинда вилоят «Турон» илмий универсал кутубхонасида тасвирий санъат устаси Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар намуналари асосида кўргазма ташкил қилинди. Зиё маскани ўқув залида очилган ушбу кўргазмалар тахтасидан мусаввирнинг сўнгги йилларда яратган янги асарлари билан бир қаторда «Муштум», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ишонч» газета ва журналларида босилган ҳажвий асарлари ҳам ўрин олган. Улар билан томошабинлар қизиқиб танишмоқдалар.

Абдурасул Ҳакимовнинг бир қатор ҳажвий расмлари Москвада ва собиқ иттифоқнинг бир қатор республикалари журналларида ҳам босилиб чиққан. Мусаввир узоқ йиллар мобайнида Тошкент Давлат университетида ишлаган. Шу боис кўргазмада дунёнинг турли мамлакатларидан келиб дорилфунунда таълим олган талабаларнинг оддий қалам билан ишланган расмларини ҳам кўплаб учратишимиз мумкин.

Булардан ташқари матога мойбўёқ билан ишланган «Атир гуллар» натюрморти, «Автопортрет», «Қизим Саида» портретлари ҳам мухлисларга манзур бўлмоқда.

Даврон АСҚАРОВ.

— Ёпирай, чироқ ёниб қолдими?
— Йўғ-е, Ой-ку!

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

Таҳририятга хат

БИБИНУР АЯ НЕГА ЎКСИНДИ?

Бир қишлоқда яшагандан кейин шу ердаги ҳар бир оиланинг турмушидан боҳабар бўларкансан, киши. Облиқлик Бибинур ая Мадаровани ҳам, унинг турмуш ўртоғи Раим Мадаровни ҳам яхши танийман. Умри муаллимлик билан ўтган 73 яшар Бибинур ая ҳозир тўшакка қадалиб қолган турмуш ўртоғининг ёнидан қўғзалолмайдиган бўлиб қолган. Раим аканинг икки кўзи ожиз, оёқ-қўлларини қимирлатолмайди. У биринчи гуруҳ уруш ногирони бўлгани сабабли шаҳар марказий шифохонаси ҳисобида туриб, керакли дори-дармонларни шу ердан олади.

Яқинда автобус бекатида Бибинур аяни кўриб, ҳол-аҳвол сўрашдим. У ўзини аранг ушлаб турган экан, кўзларидан дув этиб ёш оқиб кетди.

— Раим акангизнинг соғлиғи ёмонлашиб қолган, — деди у кўзларини артаркан. — Шаҳар марказий шифохонаси шифокори Мавлудахон Раҳматовани чақиртиргандим. У керакли дориларга қоғоз ёзиб берди. Дарҳол марказий дорихонага боргандим, фақат икки хил дори борлигини, витамин В6 ва кокарбоксилазаларни эса 138-дорихонага бориб олишим мумкинлигини айтишди. Барака топқурлар, ўша дорихонага телефон қилиб билишган экан-да. Шаҳарнинг бу четидан нариги четига сўраб-сўроқлаб 138-дорихонани топиб борсам, мудираси Қизилгул Азимова дори қоғозларига кўз югуртириб, «текин дори олармишлар-а», дея бурнини жийирди-да «боринг, қаерда яшасангиз, ўша ердаги дорихонадан олинг», деб қайтариб юборди. Тавба, наҳотки, қонуний доримни ололмасам, ахир Раимжон ака сингари одамларга давлат текинга дори беришга рухсат чиқариб қўйган-ку, деган ўй билан аччиқ устида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи Қўлдошевнинг қабулига бориб, ҳамма гапни тўкиб солдим. Барака топқур мени тўғри тушунди-да, 138-дорихонага телефон қилиб, керакли дориларни топиб беришни тайинлади.

Ўша ерга яна қайтиб бордим. Ҳартугул мудира йўқ экан, дорихона ходими мушкулимни осон қилиб жўнатди..

Бибинур ая Мадарова яна дастрўмолини кўзига босди.

— Биласизми, иним, ҳеч нарсага ачинмасам ҳам, қадримга ачинаман, — деди у. — Ёшим етмиш учга кирди. Қирқ етти йил муаллимлик қилиб, умрим болаларга таълим бериш билан ўтди. Ахир ўша Қизилгул Азимова ҳам кимларнингдир таълим-тарбиясини олгандир. Мана шуни ўйламай, қонуний доримни бермай, сарсон-саргардон қилгани ўқинтираяпти мени.

... Мен ушбу воқеани Бибинур аядан қандай эшитган бўлсам, шундайлигича қоғозга туширдим. Ўзимдан бирор қўшимча қўшганим ҳам йўқ. Зеро, бунга ҳожат ҳам қолмаган эди. Сабаби — бозор иқтисодиёти ҳаётимизга чуқур кириб келаётган пайтда ҳам кексалар ҳурмати, отахон ва онахонларни эъзозлаш ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини, инсон қадри ҳамиша ҳамма нарсадан ҳам улуғ эканлигини эслатиб ўтмоқчиман, холос. Айтмоқчиманки, кексаларни сарсон қилманг, уларнинг кўнглини ўкситманг, негаки вақти келиб, ўзингиз ҳам ана шундай ёшга кирасиз. Ҳа, шундай!

Т. ШЕРАПИЕВ,
Ангрен шаҳри, Облиқ қишлоғи.

ГАРРИНЧАНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

Кейин мўъжиза рўй берди.»«Маракана»да 1968 йил 30 ноябрда бўлган воқеани ҳақиқатан мўъжиза дейиш мумкин эди.

Лекин бундан олдин икки ой орқага қайтамиз. 21 сентябрда Манэ кутилмаганда «Гавеа» стадионида пайдо бўлди. «Фламенго» клубининг бу ўйингоҳи Лагоа кўли қирғоғида эди. Рионинг жанубидаги ана шу кўл яқинида у Креоло билан бир йилчадан буён кичик бир уйни ижарага олиб яшарди. «Гавеа»га Манэни «Фла» тренери Вальтер Мираглия таклиф қилганди. У бунақанги қорин қўйиб юришни бас қилиб, бир синаб кўриш керак, деганди. Сал-пал югуриб туриш керак. Машқ қилиш лозим. Акс ҳолда Манэ ҳадемай машинага ҳам киролмайдиган бўлиб қолади!

Вальтернинг таклифларини эшитиб Эльза хурсанд бўлди: «Тўғри айтяпти, Қўқилвой! Ўзинг қанча вақтдан буён «Фламенго»да ўйнаш орзусида эдинг. Мен ҳам шу клуб мухлисиман. У сенга жуда муносиб команда».

Шундай қилиб Манэ кўнди. У «Гавеа»га келиб, бутун ихтиёрини Вальтер билан доктор Франкалаччига бериб қўйди. Франкалаччи «Фла»да жисмоний тайёргарлик бўйича тренер эди.

Ана шундан сўнг Манэнинг иродаси синови бошланди.

Октябрь. Эрталабдан қуёш қиздиради. Стадионнинг ўн минг кишилик цемент ўриндиқларида бironта ҳам ишқибоз йўқ. Умуман, ўйингоҳда ҳеч ким кўринмайди. Сукунат, ҳаммаёқ дим, фақат тўп овози жимликни бузади. Йўғонлашиб қорин солган Манэ квадратларга бўлиб белгилаб қўйилган деворга тўп тепмоқда. Ёнида тренер. У квадрат рақамини айтади ва Манэ силтаб тепиб, ана шу квадратни мўлжалга олади. Худди мих қоққандек бўлади.

Ҳа, у семиз, оғир. Аммо зарбининг кучи ва аниқлиги ўша-ўша, ёшлигининг ўзи.

Уч соат, бир дақиқа ҳам тин олмай тренернинг ҳамма айтганларини қилди. Югурди, ўтириб-турди, чалқанча ётганча чимда беланчак бўлди. Қўлларида ҳам, оёқларида ҳам тош ва штанга кўтарди.

Нима учун у Вальтернинг таклифига розилик билдирди, деган савол туғилади? Бунга Манэ «мусобақалардан четлаштирилганлик муддатим тугамоқда, энди келажак ҳақида ўйлашим керак» деб жавоб қиларди. Футбол унинг учун ҳали яна давом этиши, тезда формани тиклаши, ортиқча вазнни ташлаб, беш йил аввалгидек (машъум жароҳат уни доғда қолдиргунча бўлган вақтдагидек) ўйнаб кетишига ишонарди. Аммо бунга ўзидан ва Эльзадан бўлак ҳеч ким ишонмасди.

Ана шунда, ноябрь ойининг охирларида «Васка де Гама» билан бўладиган ўйинда Манэ «Фла» сафида чиқади, деб эълон қилинганда бутун Бразилия футбол олами ҳайратга тушди. Чемпионатнинг расмий ўйинида ўйнайди!

Рионинг футбол дунёси жумбушга келди. Одамлар гаров бойлашарди. Стадионлар ва кўчаларда, радио эшиттириш ва теле дастурларида баҳс мунозараларнинг асосий мавзуси ана шу ўйин қандай якунланиши ҳақида эди.

Ўйин куни «Маракана»га олиб борувчи кўча ва йўлларда автомобиллар тиқилиб қолди. Ўйин шанба кунига мўлжалланган, ҳеч ким шу дим оқшомда стадионга шунча кўп томошабин келади, деб ўйламаганди. Бу ўйиннинг «Фламенго» учун сира аҳамияти йўқ эди. Чунки бу команда чемпионатнинг финалчилар даврасига киролмаган, энди уни ҳар қандай натижа ҳам қаноатлантираверарди.

Темир йўл раҳбарлари ҳам одамларнинг бунақанги оқимини кутишмаганди. Кўп поездларнинг стадионга яқин бекатларда тўхтаб ўтиши бекор қилинди, натижада жанжал бошланиб стоп-кранлари узилди. Стадион маъмуриятининг ҳаммаси бошқа қотди: сотувга жуда кам чипта чиқарилган эди. Чипталар тугаб стадион дарвозалари ёпилганда аччиғланган мухлислар хужумга ташланишди. Стадион директори бирдан-бир тўғри қарорга келди: у дарвозаларни очиб, ўйинни кўрмоқчи бўлганларнинг ҳаммаси бепул киритилсин, деди. Стадион тарихида бунақаси бўлмаганди. Майдонда «Менго»нинг қизил-қора қўйлагида Манэнинг пайдо бўлиши, одамлар ҳаяжонини жунбушга келтирди.

Ҳакам ўйин бошлашига ҳуштак чалди, минбарлардаги ҳайқириқлар бир неча сония тўхтади: саксон минг торседорес (ишқибоз) мўъжизани кутиб тиниб қолди.

Мана, ўша мўъжиза рўй берди: тўп ўнг қанотдаги Манэга оширилди. У тўпни енгилгина қабул қилиб, оёқ кифтининг мушукдек майин ҳаракати билан уни бўйсундирди ва «Васка»нинг рўпарасига келиб отилган чап қанот ҳимоячиси Эбервал олдида қотиб қолди.

... Ўша куни эрталаб кўп газеталар у билан қилинган интервьюни босиб чиқардилар. у «улуғ Гарринчанинг ўлмас санъати»га лол қолишини айтиб, «Бу буюк футболчи, уни ҳамма ҳурмат қилади ва эъзозлайди, мен Гарринчага қараб ўйнаб улғайдим... Менинг учун унга қарши ўйнаш — катта шараф. Шу сабабли қоида доирасида, кўполлик қилмай, ҳалол курашишга ҳаракат қиламан...» деганди.

«Кўполлик қилмай». Эбервалнинг «Жорнал до Бразил» газетасининг 18-саҳифасида бугун эрталаб босилиб чиққан бу сўзларини Гарринча ўзининг машҳур алдамчи ҳаракати билан Эбервалга чап бериб, жарима майдони томон ёриб кирган ва... Эбервал оёғига қараб боплаб тепган пайтида кўплар эслашди. Тепганда ҳам шунақанги тепдики, суякларнинг қарсиллаганини томошабинлар ҳам эшитди... Стадион нафрат ила қалқди. Кўкни тутиб кетган ҳуштак овози яшил майдонда ёлғондакам чўзилиб ётган Эбервалнинг туришига имкон бермасди. Алдаб ўтилган ҳимоячига ёрдам қилиш учун унинг шериги — Фонтана шошилди. У ҳам Манэни тепди. Тепганда ҳам Манэ штраф майдонида тўпни оширгандан сўнг тепди. Фонтана Гарринчани яхшигина шикастлади. У бошини қўйи солиб, оқсоқланиб бориб майдон четига ўтирди. Бунгача ўгирилиб, «Васка» ҳимоячисига «Мен сенга нима қилувдим! Нега бунчалик?...» дегандек нигоҳини қаратди.

Бу кўполлик бир неча бор такрорланди. Ҳаракати бирмунча сусайганлигига қарамай (35 ёшли футболчи учун ҳазилакам гап эмас!) сентябрь ойидан буён ўн икки (!) килограммга вазни енгиллашган Манэ Эбервални осонгина алдаб ўтарди. Ноилож қолган Эбервал жонжахди билан ташлана бошлади. У тепар, чалар, кўполлик билан оёғи остига ташланарди. «Васка»га қандай бўлмасин ғалаба қилиш, фақат ғалаба қозониш керак эди. Гарринчанинг оёғини ишдан чиқариш ҳисобига бўлса ҳам! «Кумуш кубок» — ўша йили мамлакат норасмий чемпионатининг мукофоти васкаликлар олдида жилва қилиб турарди.

Бу хилдаги таъқиб ўз натижасини кўрсатди: 0:0 ҳисобида якунланган биринчи тайм охирларида Гарринча қаттиқ оқсаб қолди. Шунда Вальтер Мираглия уни алмаштиришга қарор қилди.

Мухбирлар кириб келганда Манэ «Фла»нинг ёчиниш хонасида бир бурчакда муккайиб ўтирарди. У саволларга жавоб бераркан, бўғиқ овоз билан, кўз ёшларини аранг тийиб, ютинибютиниб, тўхтаб-тўхтаб гапирарди. Унинг санъати ҳали ўлмаганлиги, ҳали яна ўйнаши мумкинлигини истаб отланганлигидан бахтли эканлигини сўзларди. Торасида (ишқибозлар)ни яна қувонтиришга, яна кўп бор ўйнашга, Бразилиянинг, эҳтимолки жаҳоннинг яна чемпиони бўлишга қодирлигини айтарди.

Афсуски, янги мавсумда Манэ учун «Фла» сафида энди жой топилмади...

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 1, 8-июль сонларида).

•СПОРТ •СПОРТ •

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ТАРАДДУД ТОБОРА ҚИЗИМОҚДА

ЙИЛИМИЗНИНГ энг катта спорт анжуманларидан бири бўлиб қоладиган Марказий Осиё ўйинларига тараддуд тобора қизимоқда. Яна етти ҳафтадан сўнг Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон спортчиларининг биринчи Марказий Осиё ўйинлари мусобақалари байроғи кўтарилади. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси президенти, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев ахборот берди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди. Мусобақалар программасига киритилган спорт беллашувлари қайси ўйингоҳларда ўтказилиши маълум қилинди. Эркин кураш, юнон — рум кураши, сузиш, баскетбол, мерганлик турлари Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳларида, волейбол, «Динамо» спорт залида, енгил атлетика ва қиличбозлик «Пахтакор» спорт комплексларида, велоспорт Тошкент — Олмалиқ шоссесида, оғир атлетика Тошкент вилоятининг «Ийк-ота» жамоа хўжалиги спорт комплексида, бокс мусобақалари эса «Алпомиш» залида бўлиб ўтади.

Спортчилар ва меҳмонлар пойтахтдаги энг намунали меҳмонхоналарда жойлашишади.

МАЛАЙЗИЯГА — ҲАЛҚАРО ТУРНИРГА

ЎЗБЕКИСТОН футбол терма жамоаси 18 июлда Малайзияда ўтадиган халқаро турнирда иштирок этади. Мусобақа ташкилотчилари маълум қилишларича, турнирда жами олти мамлакат футболчилари қатнашадилар. Улар дастлаб икки гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини ўтказишади. Биринчи гуруҳда Ўзбекистон, Болгария ва Венгрия терма жамоалари, иккинчи гуруҳда Малайзия, Жанубий Корея ва Ироқ футболчилари иштирок этишади. Сўнгра гуруҳ ғолиблари финалда ғолиблик учун ўзаро куч синашадилар. Ўзбекистон футболчилари дастлабки ўйинни Болгария футболчилари билан ўтказишади. Командага Александр Иванов ва Бахтиёр Ғофуровлар мураббийлик қилишмоқда.

БИР ФОЖИА САБАБИ

Суд залидан

КЕЛИННИНГ қарори қатъий эди: «Уни ўлдирмасам сира қутулмас эканман». У икки ярим яшар ўғли Баҳромни ухлатиб чиқди-да, режасини амалга ошириш учун нариги уйдан қайнонасини чақирди.

— Сиз Баҳромнинг олдида ётиб туринг, мен товуқхонани тозалаб чиқаман, — деди.

Кампир набираси олдига кириб кетгач, иссиқхона олдида ётган бир қулоч узунликдаги ходани олиб қайнонаси изидан уйга кирди.

Келин ҳалиги ходани даст кўтариб, қайнонанинг бошига зарб билан урди. Кампир беҳосдан тушган калтак зарбидан эсанкираб қолди. Лекин, таёқ унинг бошига, бошини бекитмоқчи бўлган қўлларига, баданларига аёвсиз урилаверди-урилаверди. Кампир қип-қизил қонга беланди. Бироқ шунда ҳам нажот излаб типирчилар, жонини сақламоқчи бўлиб ўзини дам у ёққа дам бу ёққа ташларди.

Келин шунда «нега бу ўлмаяпти», деб унинг қонга беланган юзига ёстиқ босди. Икки ярим ёшли норасида ғўдак бу дахшатдан аллақачон хабардор бўлган, азбаройи қўрқиб кетганидан ҳатто овоз чиқаришга ҳам чўчиб, юзини ёстиққа босганича йиғларди.

Қайнонасининг тинчиб қолганини кўрган келин жиноятни бериб, ҳеч бир натижа чиқмади. Пайтдан фойдаланган қотил келин эса қонга беланган таёқни ташқарига олиб чиқиб ташлашга улгурган эди.

Аммо қотиллик куппа-кундузи, нақ пешин пайтида содир бўлган, бунинг устига эри томоқда ишлаётган, қайнота эса уйда, хуллас бегона одам келса билинтирмай ичкарига киролмасди. Демак ҳамма гап келинда. Милиция ходимлари гумон билан Карима Шакаровани қотиллик содир этган куниёқ қўлга олдилар. Туман прокуратураси уч кундан кейин уни қамашга рухсат берди.

Тергов пайтида К. Шакарова ўз айбига тўла иқрор бўлди. У қайнонаси М. Шакарова билан кейинги пайтларда тез-тез жанжаллашиб турганини, охири уни ўлдириб бир йўла қутилмоқчи бўлганлигини гапириб берди.

Яқинда «Қорасув» жамоа хўжалиги клубида ана шу жиноий иш юзасидан бўлиб ўтган суд Карима Шакаровани қасддан одам ўлдиришда айблаб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳа, уч нафар фарзанднинг онаси, эндигина 27 ёшга кирган аёл қотил сифатида қамалди.

Оилада қайнона ва келин муносабати доимий ва жиддий масаладир. Кўп ҳолларда оилавий келишмовчиликларга ҳам, айрим ёш оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам мана шу масала сабаб бўлаётгани сир эмас. Зеро, инсоннинг ёмони бўлмайди, ўз гапидан, юриш-туришидан ёмон отлик бўлиши мумкин, — дейдилар донолар. Демак, қайнона-келин орасидаги келишмовчиликлар ҳам ўзаро майда гап-сўзлардан, муомаладан келиб чиқади. Айтмоқчимизки, келин ҳам, қайнона ҳам ўз иззат-обрўсида бўлсалар, ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирига оғир-босиқлик билан муносабатда бўлсалар, келишмовчиликлар олдини олиш мумкин. Енгилтаклик эса ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди.

К. БЕРДИАЛИЕВ,
Уртачирчиқ туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ

1995—1996 ўқув йилига ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

Фортепиано, торли, нафасли ва урма асбоблар, халқ чолғу асбоблари, ашула, хор дирижёрлиги ва мусиқа назарияси.

МУСИҚА БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА ЁКИ ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА, ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ МУСИҚА БИЛИМИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари тегишли давлатлараро шартнома ва битимларда белгиланган шартлар ва тартибга кўра ҳамда индивидуал контрактлар асосида қабул қилинадидар.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

директор номига ариза, ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида ва бошланғич мусиқа саводи ҳақида ҳужжатларнинг асл нусхаси, 086/У ҳажмидаги соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумотнома, 3х4 ҳажмидаги фотосурат (4 дона), паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ҲАЛҚАРО, РЕСПУБЛИКА КЎРИКЛАРИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ 1995 ЙИЛ 20 ИЮЛГАЧА.

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Школьная кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 2-46-04, 2-46-03.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб томонидан Низомова Лола Одилжоновна номига берилган АО-013766 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги Ойбек номидаги 27-ўрта мактаб томонидан Ўрмонов Зафар Шералиевич номига берилган А № 454724 рақамли аттестат ТАЙИ қабул комиссияси техник ходимлари айби билан йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Бектемир АК АПБ томонидан «Агрокимёсервис» кичик корхонасига берилган ва йўқолган №513351-375 рақамли чек дафтарчаси ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва концерннинг озиқ-овқат ҳамда савдо комбинати жамоалари комбинат директори Ш. Шомаҳмудовга отаси **Шомуҳаммад ШОМАҲМУД ўғлининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0289. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6